

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**“БУХОРО МЕРОСИ”
ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИ**

Раупов Сойиб Саидович

**ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ:
КЕЧА ВА БУГУН**

**“Дурдона” нашриёти
Бухоро - 2016**

74.6

P 26

Раупов, С. С.

Фуқаролик жамияти: кеча ва бугун [Матн] / С.С. Раупов. -

Тошкент: Sadriddin Salim Buxoriy" Durдона nashriyoti, 2016. - 60 б.

КБК 74.6

Масъул муҳаррир

Тешаев Н.Н.

Фалсафа фанлари номзоди, доцент

Тақризчилар:

Холиқов З.Э. Термиз ДУ “Ўзбекистон тарихи ва археология”
кафедраси мудири, тарих фанлари номзоди, доцент

Болтаев А.Ҳ. Бухоро ДУ “Миллий ғоя, маънавият асослари
ва ҳуқуқ таълими” кафедраси ўқитувчиси

Рисола Бухоро давлат университети ижтимоий-иқтисодий
факультети илмий кенгаши йиғилишида нашрга тавсия
этилган.

(Баённома № 1, 2016 йил 29 август)

Мазкур тадқиқот “Бухоро вилоятида ёшларнинг маданий мерос соҳасидаги билимларини ошириш” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис ҳузуридаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг гранти доирасида (2015-2016 йиллар) нашрга тайёрланди.

ISBN 978-9943-4711-6-0

КИРИШ

Ўзбекистонда амалга оширилаётган сиёсий ислохотлар, жамият ҳаётини кенг кўламли эркинлаштириш юртимизда демократиянинг ҳаётимиз қоидасига айланиши истиқболларини белгилаб беради.

«Демократик жамият бу - энг аввало, фуқаролик жамиятидир. Чинакам демократиянинг олий мазмуни-шахслараро, миллатлараро, давлат ва ижтимоий-сиёсий муносабатлари уйғунлаштиришда иборат. Бунда инсон ва жамият, жамият ва давлат ҳокимияти тинч-тотув яшайди».¹

Демократик жамиятда самарали давлат бошқарувининг асосий омили ҳокимиятларнинг шунчаки расмий бўлинишида эмас, балки ижтимоий манфаатларни мумкин қадар кенг жамлайдиган ва шахсий манфаатларнинг сиёсий қарорларни қабул қилиш жараёнига таъсирини энг кам даражага туширадиган давлат ва фуқаролик жамияти ўртасида ўзаро боғлиқлик механизмларининг мавжудлигида, деб ҳисобланади.

Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг кўпгина институтлари ташкил этилган. Уларнинг жамиятни ислоҳ қилишга имкон берувчи ҳуқуқ ва мажбуриятлари бор. Шундай экан, кўпгина фуқаролик жамияти ташкилотлари давлат ва жамият зиммасидаги айрим муаммоларга, хусусан, инсон ҳуқуқларига риоя қилиш, фуқароларнинг у ёки бу масалалардаги ижтимоий-иқтисодий манфаатларини амалга оширишда давлат ўртасида боғловчи кўприк вазифасини ўташи, бундай вазифалар ўзларининг иштирокларида адо этилиши юзасидан масъулиятини сезишлари талаб этилади. Фуқаролик жамияти бу - ижтимоий-сиёсий масалаларни ҳал этишда фаол қатнашадиган, давлатнинг унинг фаолиятига аралашувига йўл қўймайдиган ҳуқуқий макон ҳукмрон бўлган, фуқаролар ва давлат ҳамкорлик асосида ишлайдиган онгли индивидлар жамиятидир. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида фуқаролик жамиятига таъриф берилмаган бўлса-да, унда фуқаролик институтларини ташкил этиш ва улар фаолиятининг ҳуқуқий асослари эътироф

¹ И. А.Каримов. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. 1995, 175-бет

этилган, уларнинг давлат билан ўзаро ҳамкорлиги тамойиллари белгиланган.

Фуқаролик жамияти институтлари фаолиятининг конституциявий тамойиллари «Жамоат бирлашмалари тўғрисида», «Нодавлат ноижорат ташкилотлари тўғрисида», «Жамоат фондлари тўғрисида», «Сиёсий партиялар тўғрисида», «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида», «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида», «Касаба уюшмалари тўғрисида», «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида», «Журналистик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида», «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги ва бошқа бир қатор қонунларда ўз ифодасини топган.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислохотларда фуқаролик жамияти қуришнинг ўз ўрни ва аҳамияти бор. Шунингдек сазоворки мамлакатимизда фуқаролик жамиятини қуриш умуминсоний кадриятлар билан бир қаторда миллий кадриятларимизга ҳам таяниб амалга оширилмоқда. Шундан келиб чиқиб ушбу рисолада фуқаролик жамияти ва унинг институтларини миллий кадрият сифатида кўрсатишга ҳамда мамлакатимизда фуқаролик жамияти концепциясининг яратилиши ва фуқаролик жамияти институтлари шаклланишининг ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилишга ҳаракат қилдик.

I. ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ ТАРИХИЙ ИЛДИЗЛАРИ

I. 1. ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТ СИФАТИДА

“Бугун бизнинг олдимизда шундай тарихий имконият пайдо бўлдики, биз босиб ўтган йўлимизни танқидий баҳолаб, миллий давлатчилигимиз негизларини аниқлаб, буюк маданиятимиз томирларига, қадимий меросимиз илдизларига қайтиб, ўтмишимиздаги бой анъаналарни янги жамият қурилишига татбиқ этмоғимиз керак...”¹

И.Каримов

Ўзбекистонда кучли фуқаролик жамияти қуриш борасида амалга оширилаётган ислохотларининг чуқурлашиб бориши миллий меросимизни ўрганишга бўлган эҳтиёжларни янада кучайтирмоқда. Бунинг сабаби шундаки, биз қурмоқчи бўлган фуқаролик жамияти бошқа мамлакатлар тажрибасидан андоза сифатида кўр-кўрона кўчириб олинмай, балки, бир неча минг йиллик миллий мерос ва тарихий тажрибаларимиздан озиқланади.

“Фуқаролик жамияти” тушунчасининг илдизлари Аристотел ва Цицерон сингари кўхна дунё файласуфларининг изланишларига бориб тақалади. Бу жамиятни Аристотел “политике коинония”, яъни “сиёсий бирлик - ҳамжамият”, деб атаган эди. Мазкур тушунчанинг латин тилидаги ифодаси “сосиетас сивилис” фуқаролик жамияти қабилада қабул қилинди. У полисни аниқлаш учун хизмат қилди, унинг замирида зоон политикон – “сиёсий мавжудот” сифатида инсон “телўси” (мақсад)нинг муқобили (синоними) сифатида ишлатилган. Зеро, қадим юнон ўлкасида оила, эътиқод, маърифат, маданият, санъат,

¹ И.А.Каримов. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари.

// Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т. 3. – Т.: Ўзбекистон, 1996 й., 368 бет.

умуман ҳаётнинг барча қирралари сиёсатлаштирилган эди. Унинг устига алоҳида олинган шахс ўзини жамиятдан айри ҳолда ҳис қила олмасди.¹

Фуқаролик жамиятига доир илк қарашлар узоқ вақт яшаб келди. Шахс эркинлиги ғоясини тинмай тарғиб қилган Ж.Локк, И.Кант сингари файласуфлар ҳам “фуқаролик жамияти” деганда, аввало, “давлат”ни тушунишга мойил бўлдилар. Аммо бора-бора фуқаролик жамияти билан мутлақ давлат маҳкамалари (институтлари) ўртасидаги тавофут кўзга яққолроқ ташланаверди. Г.Гоббс, Ш.Л.Монтескье каби олимлар ҳимоя қилган индивидуализм концепцияси эса ку тартибига жамият фуқароси бўлган шахс эркинлиги масаласини қўйди.

Европада фуқаролик жамияти тўғрисидаги дастлабки ғоялар XVII аср ўрталарида Томас Гобснинг “Табиий ва сиёсий қонуниар унсурлари”, “Фуқаро ҳақида”, шунингдек, бошқа давлат ва ҳокимият ҳақидаги (“Левиафан”) асарларида ўз ифодасини топганидан кейин пайдо бўлди. Шу даврдан бошлаб фуқаролик жамияти долзарб ижтимоий-сиёсий тасаввур ва тушунча сифатида такомиллашиб бормокда. Шубҳасиз, фуқаролик жамияти ва давлат муносабатларини жуда мукамал ишлаб чиққан мутафаккирлардан кўзга кўринарлиси Гегелдир. Унинг қарашича, фуқаролик жамияти қонун билан бошқариладиган шахслар, синфлар, гуруҳлар ва бошқа институтларнинг мажмуаси ҳисобланиб, бу мажмуа тўғридан – тўғри сиёсий давлат бошқарувига боғлиқ эмас. Шунингдек, Гегел бу ҳақда қуйидагича фикрни билдиради: “Фуқаролик жамиятининг табиати шундайки, унда ҳар бир алоҳида инсоннинг ҳуқуқи давлатнинг шахсий ҳуқуқига айланишга улгурган бўлиб, унда давлат ўзининг зиммасига менинг ҳуқуқларимни худди ўзининг ҳуқуқларидек ҳимоя қилиш ва қарор топтириш мажбуриятини олади”.²

Фуқаролик жамияти шундай жамиятки, унда аҳолининг бирон-бир гуруҳи бошқа бир гуруҳни ўзига бўйсундира олмайди, шунингдек, эркаклар билан аёлларни бир-бири билан боғлаб турувчи кўплаб ижтимоий, фуқаровий, диний, иқтисодий,

¹ Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: генезиси, шаклланиши ва ривожланиши. Т. ; “Ўзбекистон” – 2010, 15 бет.

² Ўша жойда, 33 бет.

маданий алоқа ва муносабатлар янада ривожланади. Бу ғоя XX асрнинг 80-йилларида авж олган демократиялаштириш жараёнлари натижасида алоҳида мазмун касб этади ва у тоталитар давлатларга қарама-қарши бўлган ижтимоий андаза сифатида талқин қилина бошланди. Машҳур сиёсатшунос олим Флипп Шмиттер фуқаролик жамиятининг қуйидаги муҳим сифатларини ажратиб кўрсатган эди: шахснинг аҳолининг алоҳида гуруҳлари ва давлатдан мустақиллиги; ташкилий яхлитлик; давлат томонидан ҳимоя қилинадиган ҳуқуқларга асосланган корпоративлик; либераллашиш билан боғлиқ жараён ёки ҳодиса: автократиянинг деспотик куч сифатида (демократик натижалар асосида) хавфлашуви.

Ғарбда XVI-XVII асрларда, дунёнинг бошқа мамлакатларида эса фуқаролик жамияти генезиси XIX-XX асрларда юзага келган деган қарашлар мавжуд.

Тарихий нуқтаи-назардан ёндашадиган бўлсак, фуқаролик жамиятининг моҳияти ва шаклланишига мос келувчи кўплаб ғоялар бизда ҳам қадимги даврлардан мавжуд бўлганлигининг гувоҳи бўламиз.

Фикримизнинг исботи учун минг йилликлар мобайнида мамлакатимизда жамият ва давлатни бошқаришнинг ҳам ғоявий, ҳам ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилган Зардуштийликнинг муқаддас китоби “Авесто”га ва Ислом дининг муқаддас китоблари “Қуръони Карим” ва “Ҳадиси Шариф”га мурожаат қилсак.

Маълумки, фуқаролик жамиятининг биринчи асосий белгиси ва хусусияти инсонларнинг жамиятдаги ижтимоий фаоллиги ҳисобланади. “Авесто”да талқин этилишича, жамиятда соғлом турмуш тарзини, фаровонликни таъминлаш учун эзгу фикр, ширин сўз, берилган ваъдага амал қилишлик, фойдали меҳнат билан шуғулланиш ва ижтимоий фаоллик ҳар бир инсоннинг бурчи ва ҳаётининг фаолияти мазмунини ташкил этмоғи зарур: “Илоҳий қонунга бўйсунадиган яхши қиши яқин одамига меҳрибон бўлиши, муҳтожлик ва хавф-хатар остида қолганида кўмаклашишга шайлик, кишилар бахт-саодати учун ёвузликка қарши фаол курашишга тайёр бўлиш, ҳамма билан аҳил ва тотувликда, биродарликда яшашга интилишда намоён бўлади. Инсон фикран ҳам, хаёлан ҳам ҳасадгўй бўлмаслиги лозим. Яхши

ниятли киши ҳеч қачон дарғазаб бўлмайди ва жаҳолатга берилмайди, чунки жоҳиллик ҳолатида у яхши ниятни йўқотади, бурч ва адолатни унутиб, ножўя ҳаракатлар қилади. Яхшилик таълимини ва садоқатини амалга ошириб... яхши ҳокимлар ҳукм юритаверсинлар. Одамларга ва уларнинг авлодларига бахт-саодат келтирадиган адолатли қонунларни амалга оширсинлар”¹.

Демак, зардуштийлик таълимоти жамият аъзоларини доим яхшилик ва эзгулик қилишга даъват этиш билан чекланиб қолмай, мунофиқлик билан қабилалар орасига низо соладиган ҳар бир риёкорни қаттиқ қоралайди, шу билан бирга, кишиларни ҳаётда ижтимоий фаолликка, “бир кам дунё”ни такомиллаштириш учун курашга ундайди. Зотан, Зардуштнинг эл-юрт осойишталиги, жамиятдаги сиёсий-иқтисодий вазиятнинг барқарорлиги, ҳар бир фуқаро ўз манфаати ҳақида эмас, аввало, жамоа аъзолари хусусида қайғуриши, уларнинг тақдирини ўйлаши ҳақидаги доно панд-насиҳатларни ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган:

“Дуруст одамларнинг энг яхши фазилати янги жаҳонни куришга интиломқдир. Тангри шому сахар ўзгаларга ёрдам кўлини чўзадиган бандаларини ёқтиради.

Ўзгаларни яхшиликка йўллай олган одамларнигина яхши одам, дейиш мумкин.

Тангри ростгўйларнинг нигоҳбонидир. Менга ҳамиша ғайрат ва шижоат бахш эт. Мени ҳамиша ғафлат уйқусидан йироқ тут. Қаерда икки тан бир-бирини кўлласа, ўша ерда иш юришади. Биз истаймизки, бу юртда зулм устидан адолат ҳамиша ғалаба қилсин”².

Барча инсонларга ғамхўр бўлиш лозимлиги ҳақида “Авесто”да шундай дейилади: “Илоҳий қонунга бўйсунадиган яхши киши, яқин одамга меҳрибон бўлиш, муҳтожлик ва хавф-хатар остида қолганда кўмаклашишга шайлик, кишилар бахт-саодати учун ёвузликка қарши фаол курашга тайёр бўлиш, ҳамма

¹ Бобоев Х., Ҳасанов С. “Авесто”да адолатли жамият ғоялари// Фуқаролик жамияти, 2004 й., 1-сон 47-50 бетлар.

² Ўша жойда.

билан ахил ва тотувликда, биродарликда яшашга интилишда намоён бўлади”³.

Марказий Осиёга ислом динининг кириб келиши билан ожизларига меҳр-мурувват кўрсатиш, етим-есирларга ғамхўрлик қилиш янгича фалсафий, ҳуқуқий заминга эга бўлди. Зероки, ислом дини таълимотини марказий масалаларидан бири савоб ишлар қилиш, муҳтожларга ёрдам қўлини чўзиш, ночорларга моддий ва руҳий мадад беришга қаратилгандир.

Қуръони Каримда бева-бечора ва мискин муҳтожларга ёрдам кўрсатиш ҳар бир мусулмоннинг энг асосий бурчи эканлиги кўрсатиб қўйилган.

Қуръонда эҳсонли, қўли очик, бағри кенг, мурувватли, кенг феълли бўлиш юксак маърифат белгиси, деб қаралади. Кимдаким одамлардан ҳиммати, мурувватини аямаса, саховат эшигини бекитмаса, бундан, энг аввало, унинг ўзи катта наф кўради, маънавий қониқиш ҳосил қилади. Қуръоннинг Ҳадид сурасида: “Эй, мўминлар, қачон сизлар пайғамбарлар билан сирлашмоқ, суҳбатлашмоқни истасангизлар, суҳбатларингиз олдидан (камбағал-мискинларга) бирон хайри-садақа тақдим этинглар” дея кўрсатилган¹.

Муҳаммад пайғамбаримизнинг ибратли ҳаётлари, юриш-туришлари ва панд ўғитларидан иборат Ҳадису Шариф ҳам бева-бечораларга раҳмдиллик, шафқат кўрсатиш кераклиги ҳақидаги ғоялар билан суғорилгандир.

Ҳадиси Шарифдаги “Очларга овқат беринг, беморларни бориб кўринг ва ҳожатманднинг ҳожатини чиқаринг” деб зикр этилган ҳикмат ҳам мусулмонларни камбағал, кам таъминланган кишиларни ҳам моддий, ҳам маънавий қўллаб-қувватлашга чақиради.

Фуқаролик жамиятининг иккинчи хусусияти – инсон ҳуқуқларининг устуворлигидир. “Авесто”да Ахура Мазда яратган қонунларга кишилар қатъий амал қилса, ҳақиқат (адолат) ва эзгулик жаҳолат ва ёвузлик устидан ғалаба қозониб бораверади, деган фикр қуйидагича баён қилинади: “Мен яхши фикр, яхши

³ Бобоев Ҳ., Ҳасанов С. “Авесто”да адолатли жамият ғоялари// Фуқаролик жамияти, 2004 й., 1-сон 75-бет.

¹ Қуръони Карим. Т., Чўлпон., 1992 й., 248- бет.

сўз, яхши ишга шон-шавкат бахш этаман. Мен яхшиликдан иборат Ахура Мазда қонунига шон-шавкат бахш этаман”². Демак, “Яхши фикр”, деганда зардуштийлик қонунида яқин кишисига меҳрибон бўлиш, муҳтожларга кўмаклашиш, ёвузликка қарши кураш, бахт-саодат учун ҳаракат қилиш, аҳиллик ва дўстлик, тотувликда яшашга интилиш каби ниятлар софлиги тушуниланган.

“Авесто”да кишиларнинг ўзаро муносабатларида берилган ваъданинг устидан чиқиш, мажбурияти ва қасамига содиқ қолиш одатий қонун ҳисобланган.

Қонун яратувчилар ва қоҳинлар жуда катта аҳамият берган нарса – берилган сўзнинг муқаддаслиги эди. Сўз – “аша” ҳақиқатнинг ҳаётий ифодаси сифатида ҳурматга сазовор. Икки хил мажбурият тан олинади. Биринчидан, тантанали равишда қасам ичиш (варуна – ҳинд-эрон сўзи “вер” – боғламоқ сўзининг ўзагидан), унга кўра, киши бирон ҳаракатнинг содир этиш ёки этмаслик мажбуриятини олган. Иккинчидан, бу битим ёки шартнома ҳисобланиб, митра Ҳинд-ориён сўзи “мей” – (“алмашиш” мазмунида) деб аталган, унга кўра, томонлар ўзаро бирон нарса тўғрисида келишган. Иккала ҳолда ҳам қабул қилинган қасамда яширинча куч бўлиб, бу куч илоҳий деб ҳисобланган. У одамга ҳамкорлик қилади, ўз сўзида қатъий турган кишини қўллаб-қувватлайди, сўзида турмаган кишини эса жазолайди.

Қасам ичиб, аҳд қилган киши ўз аҳдини бажармаган ёки уни бузган ҳолларда ҳақлигини исботлаш учун ордалия ўтказиб синалган. Унинг жуда кўп турлари мавжуд эди. Улар: ўт билан синаш, кўкрагига қизиган темирни қўйиш кабилар. Агар сўз қасам тўғрисида бўлса, одатда, сув билан, агар шартномага оид бўлса, ўт билан синалиб, айбдор ёки гумон қилинувчининг ўзи ҳақлигини исботлашига имкон берилган.

Унга биноан, айбланувчи ўз ёнида турган кишининг оёқларини ушлаб турган ҳолда сувга шўнғиган. Шўнғиш вақтида “Варуна ҳақиқатдан мени ҳимоя қил” деб айтган. Ана шу лаҳзада камондан ўқ узилган, шу пайт чопар киши ўқ кетидан югурган,

² Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик. Аскар Маҳкам таржимаси, - Т.: Шарқ, 2001. 72-77 бетлар

агар у ўқни айбдор сув остида ўлгунга қадар келтирса, қасам худоси Варуна айбдорни афв этди ва оқлади, деб ҳисобланган.

Ўт билан синашнинг шартларидан бири шундай бўлганки, айбдор ёки гумон қилинувчи ёнаётган икки қатор палёнлар орасидаги тор йўлакдан югуриб ўтиши лозим бўлиб, агар тирик қолса, шартнома худоси Митра уни айбсиз билди ёки авф этди, деб ҳисобланган. Ўт билан синашда айбдорнинг яланғоч кўкрагига эритилган мис қўйиш шакли ҳам қўлланилган. Шунингдек, қайнаб турган суюқлик (ёғ ёки сув) билан синаш, муз-сув билан синаш, маросимларни ўтказиш учун тайёрланган ўсимлик ширасини ичириб синаш, дарё сувига улоқтириб синаш каби усуллар бўлган.

Зардуштийлик таълимотида инсон ҳуқуқларининг поймол этилишига қарши курашишга даъват қилинади: “Инсон ҳақиқат ва адолатга интилсин, одамзод бахтли-саодатли яшашга ҳақли, инсонни ҳаётдан, ҳақ-ҳуқуқидан маҳрум қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ!”¹.

Шариатда ҳам сўз ва қасамнинг кудрати кучли ҳисобланган. Ҳадису Шарифда “Оллоҳга ширк келтирмақ, ота-онага оқлик қилмақ, одам ўлдирмақ ва ёлғон қасам ичмақ-гуноҳи азимлардандур”² – деб кўрсатилган ва яна: “Оллоҳга ваъда бердингизми, унга вафо қилингизлар ва Оллоҳни ўзингизга кафил қилиб қатъий қасам ичдингизми, уни бузмангизлар”³ деб уқтирилган.

Шариатда қонун устуворлиги, ҳар бир жиноятчининг ўзи жиноий қилмишига яраша жазоланиши ёки бир сўз билан айтганда, пайғамбарларимизнинг “Ал қасосу минал ҳақ” – “қасос ҳақдир”, яъни ҳар қандай жиноят жазога сазовор, деган ҳадисларига асосан иш тутиш ғояси илгари сурилган.

Шариатнинг турли маҳзаблари учун умумий бўлган таълимотларга кўра, жиддий ҳисобланган ҳар қандай гуноҳ-жиноят жазога лойиқ хатти-ҳаракатлар деб ҳисобланган ва белгиланган тартибда жазоланган. Бу ҳолат ўз навбатида қонун

¹ Авесто. Асқар Маҳкам таржимаси. “Тулистон”, 1999 йил, 2-сон 18-56 бетлар.

² Ҳадис, 4-том, Т., - 1997 й., 527 бет.

³ Ҳадис, 4-том, Т., - 1997 й., 261бет.

устуворлигидан, инсонларнинг ҳақ-ҳуқуқлари шариат томонидан ҳимоя қилинганлигидан далолат беради.

Фуқаролик жамиятининг учунчи хусусияти – одамларнинг хусусий мулкка эга бўлишидир.

Қадимги даврларда одамларнинг хусусий мулк-чорва, ишлаб чиқариш воситалари, қурол-анжомлари, яшаётган уйлари, деҳқончилик ерлари, ўтлоқлар ва ҳоказолар ҳисобланган. Мулкчилик ҳуқуқи амалда эгалик ва фойдаланиш ҳуқуқи билан чекланмаган. У бошқариш ҳуқуқини, яъни бошқа шахс эгалигига топшириш ва шартнома асосида эгалик қилишни ўз ичига олган. Бойлик хусусий мулк маъносини англатган. Хусусий мулк – “вис” (уруғ жамоаси)га зироатчилик билан машғул ва бир-бирларига қариндош бўлган камида 15 та оила кирган. Жамоанинг хусусий мулки, дейилганда эса ҳовли-жой, қалъа-қўрғонлар, яйловлар, экин ерлари, каналлар ва бошқа бойликлар назарда тутилган.

“Ҳар куни икки марта сув оқиб ўтадиган, суғориладиган бир бўлак ери, подаси, айвонли ҳовлиси, 15 ёшли хотини бўлган... ҳовли-жойида олов ёниб турадиган, хотини бўлган, кўп фарзандли, ўз меҳнати билан оиласини боқиб юрган, ерни яхши парвариш қиладиган, молга яхши қарайдиган одам бегуноҳдир”¹.

Ислом динида ҳам мулк ҳуқуқи абадий ва чекланмаган бўлиб, шариат уни барча чоралар билан қўриқлаган. Мулк ҳуқуқи ҳарбий ўлжа йўли билан, фуқаролик битимини тузиш, меросга олиш, хизмат эвазига ҳокимиятни эгаллаш, иш фаолияти билан боғлиқ равишда вужудга келган. Шариат ҳуқуқига кўра, ер мулкининг қуйидаги шакллари: давлат ерлари, хусусий кишиларга тегишли ерлар, қишлоқ жамоа ерлари, диний ташкилотларга тааллуқли ерлар (ёки вақф ерлари) мавжуд бўлган.

Шариатда мулк ҳуқуқи муқаддас ҳисобланган ва унга тажовуз қилганлар тан жазолари билан таъқиб қилинган. Биринчи марта ўзгалар мулкига дахл қилиш – ўғрилиқ қилганлик учун ўнг қўлининг бош бармоғи қолдирилиб, тўртта бармоғини кесишга ҳукм қилинган. Иккинчи марта ўғрилиқ учун чап

¹ Махмудов Т. “Авесто” ҳақида//Гулистон, 1998 й., 5-сон 21-26 бетлар.

қўлининг тирсаги ўртасидан қирқилиши талаб этилган. Учинчи марта эса умрбод зиндонга ташлаш, тўртинчи марта ўғрилиқ учун қатл этиш жазоси назарда тутилган.

Фуқаролик жамиятининг тўртинчи хусусияти одамларнинг жамият ва давлат бошқарувида фаол иштирок этишидир. Шахснинг фуқаролик фаоллиги унинг давлат ва жамият ишларига онгли, манфаатдор ва оқилона-танқидий муносабати, ўз манфаатларига ҳам, жамият манфаатларига ҳам дахлдор бўлган қарорларни ишлаб чиқиш ва қабул қилишга таъсир кўрсатишга интилишидир.

“Авесто”да давлат ва жамият бошқарувининг ҳудудий ва сиёсий-ҳуқуқий тизими ҳақида маълумотлар берилган. “Варзанапати” диний мафкура ва давлат бошқарувида жамоа аъзоларининг фаол иштирок этишига масъул бўлиб, у жамоа ижтимоий-сиёсий фаолияти, диний-ҳуқуқий ва хўжалиқ ишлари билан боғлиқ масалаларни ҳал этган. “Нманапати” оила жамоаси учун диний бошлиқ ҳисобланган. “Вис” ҳам уруғ жамоаси бошлиғи сифатида ижтимоий-ҳуқуқий вазифаларни бажарган. У катта оила жамоаси оқсоқоллар орасида сайланиб, уруғ жамоаси бошлиғи судья, коҳин ва жамоа раҳнамоси ҳисобланган. “Даҳию састар”лар бир неча қабилалар яшайдиган маъмурий ҳудудда, вилоятларда бошлиқ вазифасини бажарган. Улар томонидан чиқарилган ҳар қандай низом ва қонунлар жамоа аъзолари учун мажбурий кучга эга бўлиб, жамоа аҳли давлат бошқарувида фаол қатнашган.

Ислонда ҳам кишиларнинг жамият ва давлат ҳаётига фаол иштирок этиши лозимлиги ғояси илгари сурилиб, барча қонунга итоат этишига чақирилган: “Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: “Кимки менга итоат қилса, Оллоҳ таолога итоат қилган бўлур, кимки менга осийлик қилса, Оллоҳ таоллога осийлик қилган бўлур, кимки амиримга итоат қилса, менга итоат қилган бўлур ва кимки амиримга осийлик қилган бўлса, менга осийлик қилган бўлур”¹ деб даъват қилганлар. Яна бир бошқа ҳадисда эса “Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: “Мусулмон одам гуноҳ бўлмайдирган амру фармонга, ул ўзига ёқадирми ё йўқми, қулоқ осиб итоат қилмоғи лозимдур, агар гуноҳ ишга буюрилган

¹ Ҳадис, 4-том, Т., - 1997 й., 394 бет.

эрса, на кулоқ солмоқ ва на итоат этмоқ лозимдур”² деб уқтирадилар.

Шарқ мутафаккири Абу Наср Форобий илк бор фозил жамоани вужудга келтиришга доир ўз илмий изланишлари билан фуқаролик жамияти назариясининг шаклланишига катта ҳисса қўшди. Аллома “Фозил шаҳар одамлари қарашлари” асарида жамият (“инсон жамоаси”)нинг келиб чиқиши ҳақида шундай ёзади: “Ҳар бир инсон ўз табиати билан шундай тузилганки, у яшаш ва олий даражадаги етукликка эришмоқ учун кўп нарсаларни кўлга кирита олмайди, уларга эг бўлиш учун кишилик жамоасига эҳтиёж туғилади, шу сабали яшаш учун зарур бўлган, кишиларни бир-бирига етказиб берувчи ва ўзаро ёрдамлашувчи кўп кишиларнинг бирлашуви орқалигина одам ўз табиати бўйича интиланган етукликка эришиши мумкин. Бундай жамоа аъзоларининг фаолияти бир бутун ҳолда уларнинг ҳар бирига яшаш ва етукликка эришмоқ учун зарур бўлган нарсаларни етказиб беради. Шунинг учун инсон кўпайди ва ернинг аҳоли яшайдиган қисмига ўрнашди, натижада инсон жамоаси вужудга келди”. Фозил жамоаларни таснифлаш ва уларни барпо этиш йўлларининг Форобий томонидан ишлаб чиқилиши оқибатида жаҳон сиёсий фикрлар тарихида фуқаролик жамиятининг асосий унсурларини таҳлил этишга бўлган эътибор кучайди.

Амир Темурнинг “Темур тузуклари” асари марказида ҳам инсон унинг қадр қимматини жойига қўйиш ғояси туради. “Мен ўз салтанатимни бошқаришда учраган ҳар қандай воқеа ва ишни тузук итоат қилиш урф-одатга эътибор бериш мен учун катта аҳамиятга эга эди. Мадомики бир ҳукмдор бутун умри давомида от устида ўтириб ўзига тегишли бўлган катта иқлимнинг ҳар томонда ҳаракатда бўлиб бир нуқтада туриб қолмас экан ўзининг кенг қамрови ундан итоат қилишга амин бўлиши керак. Бундай ишончга фақат шариат қонунлари ва урф-одат қоидаларини амалга ошириш орқали муяссар бўла олади. Менинг мамлакатим турли соҳаларда қонунга қатъий амал қилинадиган бўлса, мен ўзимни ўша ерда ҳозир тургандай сезардим шариат ва урф қонунларини назарда тутган ҳолдагини одамлар сенинг

² Қуръони Карим. Т., Чўлпон., 1992 й., 544 бет.

ишларингга ишонадилар ва уни жону дил билан бажарадилар. Мен ҳамиша аскарларимни қонунга итоат қилиш руҳида тарбия қилдим, қонун бузувчиларни жазосиз қолдирмадим”.

Амир Темур салтанатида 2 турдаги суд тизими муҳим ўрин тутган. Бири “ривоят қозилиги” деб аталиб у фуқароларнинг хўжалик ва маиший турмуш тарзига оид ишларни тартибга солган. Иккинчиси “шариат ишлари қозилиги” деб номланган бўлиб уни шайхул исломи бошқарган. Бу диний ишларнинг тўғри бажарилиши ва фуқароларнинг унга доир мурожаатларини тартибга солган. Амир Темур давлатидаги 2-суд тизими шаклан бизнинг икки тузилмага бўлиниб фаолият кўрсатаётган бугунги суд тизимига фуқаролик ишлари ва жамият ишлари судига ўхшаб кетади.

Амир Темурнинг “Темур тузуклари” асарида фуқаролик жамиятининг ўз даврига хос асослари баён қилинади. Амир Темур давлатининг ихтиёрийли кўрилмасини фуқароларнинг 12-табақаси ташкил қилган ва ҳар бир табақа кишиларнинг ўз касб ҳунар мавқеи ҳамда вазифаларга эга бўлган.

1. Саййидлар, уламо машойихлар, фозил кишилар
2. Ишбилармон донишманд одамлар
3. Хуфтуй, таркидунё қилган кишилар
4. Нуёнлар, амирлар, мингбошилар яъни ҳарбий кишилар
5. Сипоҳ ва раият
6. Махсус ишончли кишилар
7. Вазирлар, саркотиблар
8. Ҳокимлар, табиблар, мунажжимлар, муҳандислар
9. Тавсил ва ҳадис омиллари
10. Аҳли ҳунар ва санъатчилар
11. Суфийлар
12. Савдогар ва сайёҳлар ташкил этган.

Унинг тақдири эса уч нарса: подшо, хазина ва аскар ҳал қилади. “Темур тузуклари” асарида ҳам инсон унинг кадр қимматини жойига қўйиш ғояси туради.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш лозимки, том маънодаги оддий одамларнинг фуқаролик жамияти белгиларини уруғ ва қабилага бирлашган жамоа ҳаётида, умумий ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланишида, хусусий мулкка эга бўлишида, қабиланинг жамоанинг умумий манфаати билан боғлиқ бўлган

турли масалаларнинг Оқсоқоллар Кенгашида муҳокама этилишида кўришимиз мумкин. Биз юқорида таҳлил қилишга уринган кадриятларнинг барчаси юртимизда фуқаролик жамияти белгилари қадим даврлардан шаклланганлигидан далолат бериш билан бир қаторда, уларнинг аксарияти, ҳозирда ҳам долзарб бўлиб, мамлакатимизда фуқаролик жамияти қуриш ишига хизмат қилмоқда.

I. 2. МАҲАЛЛА – ЎЗИНИ-ЎЗИ БОШҚАРИШНИНГ МИЛЛИЙ МОДЕЛИ СИФАТИДА

Мустақиллик шарофати билан мамлакатимизда амалга оширилаётган “Кучли давлатдан-кучли жамият сари” концепсиясининг асосий мақсади давлатнинг айрим ваколатларини фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига бериш орқали демократик жараёнларни янада чуқурлаштиришдан иборат. Бу мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислохотлар умуминсоний кадриятлар билан бир қаторда миллий кадриятларимизга ҳам таяниб амалга оширилаётганлигидан далолат беради.

Дарҳақиқат, мамлакатимиз тарихига назар солсак ўзбек миллий давлатчиликнинг дастлабки йиллариданоқ маҳаллий ўзини-ўзи бошқарувга алоҳида эътибор берилганлигининг гувоҳи бўламиз. Шаҳарлар ва йирик қишлоқларда маҳалла маҳаллий бошқарувнинг ўзига хос бир шакли, кўриниши сифатида фаолият кўрсатган. Маҳаллани бошқариш жамоатчилик асосида олиб борилиб, ўзининг тартиб-қоидаларига эга бўлган. Маҳалла аҳолиси бу қоидаларга бўйсиниши шарт бўлган. Маҳалла оқсоқолининг ва жамоатчиликнинг фикри ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган.

Маҳалла сўзи бизга араб тилидан кириб келган бўлиб, ўрин-жой маъносини англатади. Бу дегани маҳалла араблар истелосидан кейин шаклланди дегани эмас. Чунки маҳалла мамлакатимиз ҳудудида анча олдин шаклланган.

Маҳаллалар келиб чиқиш жиҳатдан давлатдан ҳам анча олдин қарор топган – деган илмий фараз мавжуд¹. Аммо бу фараз ҳали илмий изланиш ва ўрганишга муҳтож, ўз тадқиқотчиларини кутмоқда. Сополлитепадан топилган манбаларнинг гувоҳлик беришича 8 оиланинг манзилгоҳи маҳалла ҳисобланган. Бу манзилдаги 8 та оила таркибида патриархал тизим асосида қурилган юздан ортиқ жуфт оилалар уюшган. Ҳар бир катта оила жамоасини бошқариш иши улар орасида сайланган оқсоқол ихтиёрида бўлган. 8 та катта оила оқсоқоллари олий оқсоқоллар кенгашига бирлашганлар. Оқсоқоллар кенгашининг аъзолари қадимги диний китоб “Авесто”да айтилгандек, Нманапати номи билан юритилган. Нмана-катта оила жамоаси демакдир. Нманапати-катта оила бошлиғи маъноларини англатади. Эрамиздан аввалги 3 асрдан милодий 5 асрнинг бошларигача фаолият қилган қадимги Фарғона (Паркан) давлатидаги ундаги барча аҳамиятли масалаларни оқсоқоллар кенгаши ҳал этган. Булар қаторида: жумладан уруш ҳолатини эълон қилиш, сулҳ тузиши, вазифалар тартибини ва солиқларни тайинлаш, жамоат ишларига сафарбар этиш кабилар кирган. Маҳаллалар жуда узоқ тарихга эга бўлиб, маҳалла деганда катта оила назарда тутилган. Кейинчалик катта оила ёки бир неча оилаларни ўзида бирлаштирган Худудий бирликлардаги жамоат тушунилган. Маҳалла фуқароларининг ташаббуси билан ташкил этилган тарихий жамоадир. Тарихий адабиётларда ҳам маҳаллаларнинг кўп минг йиллик тарихга эга эканлиги тўғрисида гувоҳлик берилади. Жумладан, тарихчи олим Наршахий “Бухоро тарихи” номли асарида Бухорода бундан 1100 йил илгари ҳам бир қанча маҳаллалар бўлганлигини қайд қилиб ўтган.

Маҳаллаларнинг ривожланиши миллий давлатчилик ривожини билан бевосита боғлиқ бўлган. Шунинг учун Амир Темур даврида-ўзбек давлатчилик янгича шаклланиб, юксалиш йўлига кирган пайтларда маҳаллалар кундан-кун обод ва файзли бўлиб борган. Буни Ибн Арабшоҳ, Ибн Холдун, Клавихо каби хорижий сайёҳ ва тарихчилар ҳам ўз асарларида қайд этган. Амир Темур замонида ҳатто ҳарбий кўшин ҳам маҳалла усулида яшаган.

¹ Зулфиқоров А. Маҳалла ва ёшлар тарбияси // Фидокор газетаси 2003 йил 25 феврал.

Лекин temuрийлар давридан кейинги инқироз даврларида, айниқса, Ўрта Осиё ҳудудида учта хонликка бўлиниб кетгандан сўнг маҳаллалар ривожига унча катта силжиш кўзга ташланмади. Бу босқичда ўнбоши, элликбоши, юзбоши ва амин каби бошқарув тизимидаги амалдорларга катта ҳуқуқлар берилади. Уларнинг ҳукмлари қонун даражасида қабул қилиниб, сўзсиз бажарилган. Аммо бу амалдорлар фаолиятини назорат қилувчи жамоатчилик фикри ривожига эътибор берилмаган. Бу эса кўп ҳолларда маҳаллий амалдорларнинг ҳаддидан ошиши, халқни эзиши, ундан ўринсиз солиқ ва тўловлар ундиришига олиб келган. Натижада одамларнинг ижтимоий аҳволи, маҳаллаларнинг ривожига ёмонлашган.

Маҳалланинг ички тартиби-қоидалари гарчи ҳеч бир расмий ҳужжатда ўз аксини топмаса-да, унга барча қатъий амал қилган. Бу кўпчиликка, унинг иродасига ҳурмат-эҳтиром ифодаси бўлган. Кўпчиликнинг бунёдкорлик иродаси ҳашар йўли билан уй, йўл ва кўприклар куриш, тўй-маъракалар ўтказиш каби тадбирларда яққол намоён бўлган. Мана шундай ирода маҳалланинг ижтимоий асосини янада мустаҳкамлаган.

Маҳалла оқсоқолининг ва жамоатчиликнинг фикри ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган. Шаҳарлар ва йирик қишлоқларда маҳалла маҳаллий бошқарувнинг ўзига хос бир шакли, кўриниши сифатида фаолият кўрсатган. Маҳаллани бошқариш жамоатчилик асосида олиб борилиб, ўзининг тартиб – қоидаларига эга бўлган. Маҳалла аҳолиси бу қоидаларга бўйсунуши шарт бўлган.

Маҳалла оқсоқолининг ҳақ-ҳуқуқлари, вазифалари қадимдан шаклланиб келган. Маҳалла оқсоқоллари ва унинг ёрдамчилари сайланган. Оқсоқол маҳалланинг маҳаллий ҳокимият олдидаги расмий вакили ҳисобланиб, улар томонидан бу лавозимга тасдиқланиши керак эди. Сайлов ўтганидан сўнг тайинланиш оқсоқолга ёзма ҳужжат-ёрликнинг берилиши билан тасдиқланган. Оқсоқол кишиларга уларнинг отадан мерос қолган уй-жойларини шариат қоидалари асосида тақсимлаб бериш ишларини ҳам бажарган. Оқсоқол ўз ҳудудигани ҳовли-жойларнинг олди-сотди ишларига бевосита аралаша олган. Оқсоқол гузар аҳолиси ўртасидаги келишмовчиликларни ҳал этиб, ишнинг қозигача бормаслигига ҳаракат қилган. Агар бирор

кишига нисбатан ҳокимият томонидан айб эълон қилинган бўлса, оқсоқол уни иложи борица кафилликка олиши керак эди.

Қадимда ва ўрта асрларда мамлакатимиз ҳудудида мавжуд бўлган маҳаллаларни қуйидаги турларга ажратиш мумкин.

I. Шаҳарлар ва уларга туташ шаҳарлар типидagi мавзе маҳалла ва гузарлари. Уларни ирода қиладиган оқсоқоллар-оқсоқол, бобо деб юритилган. Масалан: маълумотларга кўра, амирлик пойтахти бўлган Бухоро шаҳри икки даҳага, даҳаларнинг ҳар бири эса олти жарибга бўлинган. Ҳар бир даҳани дҳабоши бошқарган. Жарибни эса бобо бошқарган бўлиб, унинг маҳкамаси бобохона дейилган. Унинг ихтиёрида фақат тунда ишлайдиган маҳсус кўриқчилар бўлиб, улар шабгардлар деб аталган. Шабгардлар (тунда кезувчи) – форс-тожик тилидан олинган бўлиб, “шаб” – кечқурун, тун ва “гард” – кезмоқ, кезувчи маъноларини англатади.

II. Шаҳарлардаги муайян соҳаларда фаолият юритадиган ҳунармандлар ўз маҳаллаларини ташкил этганлар. Кўп ҳолларда, айрим маҳаллаларда асосан бир касб-кор одамлари – ҳамкасблар истиқомат қилган ва маҳаллалар шунга қараб номланган: Заргарон, Мисгарон, Кўнчилик, Парчабобо, Чаригари, Шарбатдор, Сўзангарон, Эгарчи, Темирчи, Тақачи, Ўқчи ва ҳ.к.з. Бундан маҳаллаларни бошқарган оқсоқоллар ҳунармандлар ўртасидаги келишмовчиликларни ҳал қилган, ўзаро муносабатларни тартибга солган.

III. Шаҳарларда уруғи, элати, миллатига ва диний эътиқодига қараб шаклланган айрим маҳаллалар ҳам мавжуд бўлган, масалан: Бухоро яҳудийлари маҳаллалари. Уларни бошқарган оқсоқоллар калонтлар деб юритилган. Унинг вазифасига савдо, ижтимоий ҳаётдаги муаммолар, кичик жиноий ишларни кўриб, ҳал қилишга киришган. Шунингдек, у расмий ҳукумат олдида яҳудийлар вакили ҳисобланган. Биргина Бухоро шаҳрида XIX асрнинг бошларида 3 та яҳудий маҳалласи – Эски маҳалла, Янги маҳалла ва Амробод маҳаллалари бўлган. Бундай маҳаллалар Қарши, Хатирчи, Катта – кўрғон, Самарқанд, Кармана, Душанбе каби шаҳарлар фаолият кўрсатган.

IV. Қишлоқ жойларида дехқонлардан ташкил топган маҳаллалар бўлган. Улар дехқончилик, ердан фойдаланиш, суғоришни, солиқ йиғиш ишларини ташкил этиш ишлари билан

шуғулланганлар. Бу ишлар орасида ер-сув манбаларидан фойдаланиш муаммоси ҳал қилувчи аҳамият касб этган.

V. Чўл ва дашт ҳудудларидаги аҳоли бошқаруви ҳам элатларга ажратилиб ташкил этилган. Бу элларни ҳам халқ томонидан сайлаб қўйиладиган оқсоқоллар – Элбегилар ирода қилган. Элбегиларнинг фаолияти эл таркибидаги уруғларнинг чорваси учун ажратилган яйловлардан фойдаланиш, уларнинг уруғлар ва жамоалар ўртасидаги тақсимот чорва ҳисобидан солиқ йиғини ташкил этиш асосида белгиланган.

Шундай қилиб, энг қуйи маҳаллий бошқарув тизими демократик тамойиллар асосида ташкил этилган бўлиб, халқ орасида ижтимоий адолат, юрт ободонлиги ва халқ фаровонлигини таъминлашга хизмат қилган.

Ана шундай узоқ тарихга ва жуда бой анъаналарга эга бўлган маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш тизими аввал чор Россиясининг, кейинчалик шўролар ҳокимиятининг мустамлакачилик сиёсати орқали ўз мавқеини йўқотиб, ҳеч қандай ваколатга эга бўлмаган, номигагина фаолият кўрсатувчи ташкилотга айланиб қолди. Мустамлакачилик сиёсатининг дастлабки кунлариданоқ маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш муаммоси кун тартибга кўтарилди. Мустамлакачилар Туркистонда узоқ тарихий илдизларга эга бўлган маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш тизими асосларига болта уриб, бу тизимни амалга ошириб турган маҳалла институтини йўқотиш пайига тушдилар. Оренбург генерал губернаторилиги губернатори Н. Крижановский (дастлаб Туркистон вилояти шу генерал губернаторлик таркибида эди) маҳаллий бошқарувда сайлов тизимини киритишга қарши эди. Унинг фикрича босиб олинган ҳудудларда энг яхши ҳокимият яккабошчиликка асосланган, мустамлакачилар томонидан тайинланадиган ҳокимият эди.

Туркистон вилоятининг ҳарбий губернатори М. Черняев эса маҳаллий ўзини-ўзи бошқарувсиз, яъни маҳалла институтисиз, Туркистонни бошқариб бўлмайди деган фикрда эди. Чунки 1865-йилда биргина Тошкент шаҳрида 140 та маҳалла¹ мавжуд бўлган. Бундай катта ҳудудни бошқариш учун жуда кўп амалдорлар

¹ Абишен С.Н. Империя и местное самоуправление ... //Интернет, WWW.WeбКПОВ.ру.

талаб қилинади. Туркистон бўйича талаб қилинадиган кўп сонли амалдорларни топиш мураккаблигини инобатга олиб, М. Черняев, маҳаллий бошқарув тизимини сақлаб қолиш лозим, лекин унинг чор ҳукуматига тобелигини таъминлаш мақсадида сайланадиган маҳалла оқсоқолларини мустамлакачилар ҳукумати тасдиқлаши керак деган фикрни илгари суради.

Кўриниб турибдики, мустамлакачиликнинг дастлабки кунлариданоқ, маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш қандай бўлиши керак бу бошқарувни пастдан сайланадиган киши амалга ошириши лозимми, ёки мустамлакачи маъмурият томонидан тайинланган амалдорми деган муаммо кўндаланг бўлиб турган. Ушбу муаммони ҳал қилиш учун 1865-йилда махсус комиссия тузилади ва бу комиссия зиммасига Ўрта Осиёнинг босиб олинган ҳудудларини бошқариш тамойилларини ишлаб чиқиш вазифаси юклатилади. Бу тамойиллар асосида “Ҳарбий –халқ бошқаруви” тамойили ётар эдики, бу тамойил чор Россияси томонидан босиб олинган бошқа ҳудудларда, жумладан, Кавказда қўлланилаётган эди. Бу тамойилнинг моҳияти шундаки, юқори маъмурий бошқарув ҳарбий министирга бўйсунувчи рус чиновникларига, қуйи бошқарув эса сайлаб қўйиладиган маҳаллий халқ вакилларига тегишли бўлган.

Махсус комиссия муаммони ўрганиб чиқиб, ҳукумат номига ёзган тушунтириш хатида маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш Ўрта Осиё халқларида азалдан мавжудлиги, ва бу борада айрим камчиликлар, жумладан; бу бошқариш амир ва хонлар томонидан тазийқ остига олинганлиги, оқсоқолларни сайланиш муддати мавжуд эмаслиги каби камчиликлар кўрсатиб ўтилади.

1867-йилларда комиссия маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш тизимини ислоҳ қилиш бўйича таклифларни тақдим этди. Бунга мувофиқ ўтироқ маҳаллий халқ учун бошқарув бир пағонали қилиб белгиланди ҳамда оилалар вакиллари томонидан бошқарув ва полиция ваколатларига эга бўлган оқсоқол сайланадиган бўлди. Оқсоқолни уч йилга сайлаш ва уни вилоят ҳарбий губернатори тасдиқлайдиган тартиб ўрнатилди. Ўз-ўзидан маълумки чор ҳукумати ўзига бўйсунушдан бош тортадиган, мустақил сиёсат юргизишга ҳаракат қиладиган оқсоқолларни тасдиқламаслиги ҳуқуқий мақом олди. Худи шу йиғилишларда 3-

5 кишидан иборат солиқларни йиғувчи хўжалик жамоатчилик комиссияси тузилган¹.

1867-йилларда Туркистон генерал губернаторлиги ташкил этилгандан сўнг комиссия тақдим этган лойиҳа генерал губернатор томонидан ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш шарти билан амалда жорий этила бошланди. Шундай қилиб маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш тўла чор ҳукуматига бўйсундирилди.

Бундай сиёсат шўролар ҳокимияти йилларида янада кучайтирилди. Собиқ шўролар ҳукумати ўз ҳукумронлигининг дастлабки йиллариданоқ миллий урф-одатларимиз ва анъаналаримизни йўқотишга қаратилган сиёсат юргизди. Жумладан, маҳалла институтининг ҳам асл моҳиятини йўққа чиқаришга қаратилган махсус қарорлар қабул қилинди. Масалан, 1932-йил апрель ойида қабул қилинган “Шаҳар маҳалла кўмиталари тўғрисида”ги² низомга асосан маҳаллаларнинг фаолият доираси анча чеклаб қўйилди. Гап шундаки, шўролар ҳокимияти йилларида демократиянинг ҳар қандай кўриниши, шу жумладан, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқарувига ҳам салбий муносабатда бўлиниб, жойларда маҳаллалар зиммасида бўлган ишлар эндиликда маҳаллий давлат ҳокимиятлари зиммасига юклатилди. Маҳаллий ҳокимиятлар қишлоқ, овул, пасёлка кенгашлари кўринишида жамиятнинг энг қуйи бўғинларигача етиб борди.

1961-йил августга келиб Уз.ССР Олий Совети томонидан “Республика маҳалла комитетларининг тузилиши ва фаолиятига доир низом” қабул қилинди. Ушбу низомга мувофиқ маҳаллаларнинг иқтисодий, хўжалик ва хайрия ишлари билан шуғулланиши, юридик шахс сифатида иш юритиши тақиқлаб қўйилади. Низомнинг 12-моддасида жумладан, қуйидагилар ёзилган: “Маҳалла (квартал) комитетлари бирон молиявий-хўжалик фаолияти билан шуғулланишлари (ошхоналар, қизил чойхоналар, сартарошхоналар ва шу кабиларни ташкил қилишлари ва улардан фойдаланишлари) мумкин эмас, улар

¹ Чориев А., Ражабов Р., Маҳалла ҳуқуқий демократия дарсхонаси.//Давлат ва ҳуқуқ, 2004., 1-сон, 72-бет.

² Шарипов Ш., Кучли давлатдан-кучли жамият сари. Т., “Ўзбекистон”, 2001., 18-бет.

олди-сотди, ижараг бериш ишларини бажаришда, квартираларни ижарага кўйиш ишларини амалга оширишда қатнашишлари мумкин эмас”³. Шундай қилиб, маҳалла институти фаолиятига катта зарба берилдики, шўролар ҳокимияти йилларида маҳалла айрим диний маросимларни ўтказиш билан боғлиқ ишларни амалга оширадиган кўшнилари уюшмаси сифатида сақланиб қолди, холос.

³ Ўша жойда

1.3. ҚИШЛОҚ ВА ОВУЛЛАРДА ЎЗИНИ-ЎЗИ БОШҚАРИШ ТАРИХИДАН

Қишлоқ биринчи йирик ижтимоий меҳнат тақсимоти-чорвачиликдан дехқончиликнинг ажралиб чиқиш махсули бўлиб, кишиларнинг тарихан шаклланган оиладан кейинги бирлигидир. Дастлабки қишлоқлар кўчманчи чорвадорларнинг қишни ўтказиш учун тайёрлаган жойлари шаклида шаклланган. Қишлоқ сўзининг ўзагида “қишламоқ” сўзининг туриши фикрларимизнинг исботи бўлиб хизмат қилади.

Жуда қадимий тарихга эга бўлган қишлоқ жамоалари жамият тарақиётининг турли босқичларида такомиллашиб, янгича моҳият билан бойиб борган. Бу нарса қишлоқ жамоаларини бошқариш тизимида ҳам, ўзининг ифодасини топган. Қишлоқ жамоаси ҳуқуқий, хўжалик ва ижтимоий меъёр ва мажбуриятларга амал қилинишини мувофиқлаштирган ва назорат қилган.

Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича катта қишлоқлар маҳаллаларга бўлинган ва уларни амин бошқарган. Кичик қишлоқлар эса қишлоқ оқсақоли томонидан бошқарилган.

Ўзбек қишлоқ жамоаси маслаҳат кенгаши томонидан бошқарилган. Бу кенгаш оқсақоллар, мираблар ва дин иборат сайлаб қўйиладиган маъмуриятдан иборат бўлган. “Маслаҳат” жамоа бошқарувининг асосий органи ҳисобланган. Жамоанинг ҳаёт фаолияти билан боғлиқ бўлган муҳим муаммо ва масалаларни муҳокама қилиб, тегишли ечимга келиш унинг ваколатига кирган. Маслаҳат иштирокчилари муаммо ечимини топишда тарихан шаклланган урф-одат ва ананаларга таянганлар. Қарорлар кўпчилик овоз билан қабул қилинган ва у сўзсиз адо этилган. Жамоа урф-одатларини бузганлар ер-сув улушидаш маҳрум қилинганлар. Қуйи Зарафшон воҳасининг кўпгина ҳудудларида маслаҳат билан боғлиқ қоидаларнинг айрим кўринишларини ҳозиргача учратиш мумкин. Масалан, яқин-яқинларигача (айрим жойларда ҳозиргача) тўй ва шунга ўхшаш катта маросимлардан олдин “Маслаҳат оши” маросимининг ўтказилганлиги фикримизнинг исботи бўлади.

Қишлоқ жамоасида ҳамқишлоқлар фаолиятига талукли муаммолар ҳал қилинган. Бу муаммолар орасида ер-сув

манбаларидан фойдаланиш муаммолалари ҳал қилувчи аҳамият касб этган. Ер-сув улуши жамоада балоғат ёшига етган кишиларга, XIX асрнинг икинчи ярмидан бошлаб эса фақат уйланган ва ирригация мажбуриятларини бажаришга қодир эркакларга берилган. Бу деҳқончиликнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқган. Маълумки, Шарқда суғорма деҳқончилик мавжуд бўлиб, бу деҳқончилик сув иншоотлари қуриш ва уни сақлаш билан боғлиқ жуда кўплаб муаммоларни ҳал қилишни талаб этган. Шунинг учун бу юмушларни бажара олишга қодир эркакларга улуш берилган ва бу ишларни барча жамоадошлар бирлашиб амалга оширганлар. Қуйи Зарафшон воҳасининг кўпгина ҳудудларида сув иншоотларини, ариқ ва каналларни таъмирлаш ва тозалаш билан боғлиқ тадбирларнинг ҳозиргача “ҳашар” деб юритилиши ҳам айнан шу билан боғлиқ.

XIX асрнинг охирларигача қишлоқ жамоасининг хўжалик соҳасидаги вазифаларидан яна бири меҳнат тақсимоти, меҳнат тартиб қоидаларига риоя қилиш каби масалаларни назорат қилишдан иборат бўлган. Йиғиб олинган ҳосил ишлаб чиқариш воситалари ва меҳнатга қараб тақсимланган.

Ана шундай демократик анъаналарга эга бўлган қишлоқ жамоаси чор Россиясининг мустамлакачилик сиёсати оқибатида ўз моҳиятини йўқота борди. Чор Россияси томонидан Туркистонни бошқариш тизими мустамлакачилик манфаатларига бўйин синдирилди.

Туркистон генерал-губернаторлиги вилоятларга бўлиниб, вилоятларни император томонидан тайинланадиган ҳарбий губернаторлар бошқарган. Ҳарбий губернатор қўлида маъмурий, полиция ва суд ҳокимияти мужассамлашган. Вилоятлар уездларга бўлиниб, уездлар ўлкада генерал-губернаторлик маъмурий тузилмасининг ўзаги ҳисобланган, уезд бошлиқлари генерал-губернатор томонидан тайинланган. Туркистон ўлкасидаги уезд бошлиқлари Россиядаги уезд бошлиқларидан фарқли равишда маъмурий, полиция ва ҳарбий ҳокимиятини ўз қўлларида мужассамлаштирган эди. Уезд бошлиқлари рус армияси (майор, ротмистр, полковник унвонигача бўлган) зобитларидан тайинланган. Уездлар участкаларга бўлиниб, уларни кичик унвондаги (поручик, штабс-капитан) ҳарбий зобитлар бошқарган.

Уездлар ўз навбатида волостларга, волостлар ўтроқ яшайдиган оксоқолликларга бўлинган. Кўчманчи аҳоли яшайдиган уездлар волост ва овулларга бўлиниб, волост ва овул бошлиқлари томонидан бошқарилган. Волостлар 1000-2000 ўтовдан, овуллар 100-200 ўтовдан иборат бўлган. Кўчманчи аҳолининг маъмурий-ҳудудий бўлиниши уларнинг тарихий уруғчилик муносабатларига эмас, балки ўтовларнинг умумий сонига қараб бўлиниб юборилган¹.

Бу ҳол ўлка кўчманчи аҳолисининг уруғчилик муносабатлари асосида ташкил қилинган тарихий-миллий анъаналарига қаттиқ таъсир қилган. Натижада бир уруғ таркибидаги аҳоли турли овул, волост, уезд, ҳаттоки, бир нечта вилоятларга тарқалиб кетади. Бунда мустамлакачиларнинг “Бўлиб ташла, ҳукмронлик қил” шиори амал қилгани яққол кўринган.

Маҳаллий аҳоли вакиллари бошқарувнинг қуйи босқичидаги лавозимларига, чунончи волост бошлиғи, қишлоқ оксоқоли, кўрбоши, эликбоши, ўнбоши, мироббоши, ариқ оксоқоли, мироб, шариат қозиси (“Халқ суди”), миршаб сингари вазибаларга қўйилганлар.

Ҳукумат томонидан мансабдор маҳаллий аҳоли вакиллари таъминоти учун маблағ ажратилмаган. Уларнинг таъминоти аҳолидан йиғиладиган тўловлар эвазига қопланган.

Чоризмнинг мустамлакачилик сиёсати янада мустаҳкамлаш мақсадида Россиянинг марказий ҳудудидан ортиқча аҳоли Туркистоннинг ҳосилдор ерларига кўчириб келтирилиб, жойлаштирила бошланди. Бу билан қишлоқ жамоаси иқтисодий асосларига путур етказишга асос солинди.

Босиб олинган ҳудудларга империя маркази районлардан аҳолини кўчириш сиёсатидан кўзланган бош мақсадни 1910 йил Россия Давлат Думасида Трегубов шундай ифодалайди: “Менинг фикримча, кўчиришдан уч мақсад бўлиб, биринчиси, марказий Россияда ер камлиги учун ерсиз деҳқонларни ер билан таъминлаш, иккинчиси, ҳосилдор ерлардан унумли фойдаланиш,

¹ Галузо П.Г. Туркестан-колония... С.46

учинчиси ва энг асосийси, Россиядан ташқаридаги ҳудудларда мустаҳкамланишдир”¹.

Туркистонга империянинг марказий губернияларидан аҳолининг кўчириб келтирилиши ва ўлкадаги ҳосилдор ерларнинг ерли аҳолидан тортиб олиб берилиши кўплаб норозилик ҳаракатларига сабаб бўлган. Ҳатто 1897 йил Туркистон генерал-губернаторлиги Ички ишлар вазирлигига кўчиб келаётганларни тўхтатишни сўраб мурожаат қилди².

XIX асрнинг охирига келиб кўчиб келтирилган 70.745 нафар аҳоли учун ташкил қилинган посёлкалар сони 116 тага етган XX асрга келиб кўчириб келтирилган аҳоли сони қарийб 3 баровар кўпайган кўчиб келганлар учун ҳукумат томонидан ҳар томонлама шарт шароитлар яратиб берилган³. Шўролар ҳокимияти йилларида қишлоқ жамоаси мавқеига путур етказишга ва унинг ваколатларини йўқотишга қаратилган сиёсат янада кучайтирилди. Қишлоқ жамоасининг асл моҳиятини йўқга чиқаришга қаратилган турли қонун ва қарорлар қабул қилинди. Бу орқали демократиянинг ҳар қандай кўриниши, шу жумладан, қишлоқ жамоаларида фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқарувига ҳам салбий муносабатда бўлиниб, жойларда қишлоқ жамоалари зиммасида бўлган ишлар маҳаллий давлат ҳокимиятлари зиммасига юклатилди. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қишлоқ, овул, посёлка кенгашлари кўринишида жамиятнинг энг қуйи бўғинларигача етиб борди.

Хусусан, коллективлаштириш сиёсати оқибатида қишлоқ жамоаларининг қарийб барча ваколатлари колхоз ва совхозларга олиб берилди. Бу қишлоқ жамоаси иқтисодий асосларини емирилишига олиб келди. Шундай қилиб, қишлоқ жамоаларининг барча ваколатларига зарба берилиб, қишлоқлар маъмурий буйруқбозлик усули билан бошқарилди.

¹ Рызкулов Т.Р Восстание тузенцев Средней Азии в 1916 года ...-127 ст

² Вощенко В.Очерки нового Туркестана. Светь и тени русской колонизации.-С Птербург, 1914. 16 стр.

³ Русский Туркестан. 1898, №5, 4 октябрь.

I.4. ХУНАРМАНДЧИЛИК ЦЕХЛАРИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ ТАРИХИЙ КОНЦЕПЦИЯСИ СИФАТИДА

Мамлакатимизда фуқаролик жамияти қуриш жараёнида миллий анъаналар ва қадриятларга муҳим эътибор бериш, уларни демократик тамойиллар билан уйғунлаштириш натижасида барча соҳадаги ислохотларнинг миллий манфаатлари асосида рўй бериши таъминланди. “Биз давлатимиз келажагини ўз қобиғимизга ўралиб қолган ҳолда эмас, - деб таъкидлайди Президент И.А.Каримов, - балки умумбашарий ва демократик қадриятларни чуқур ўзлаштирган ҳолда тасаввур этамиз”.¹ Дарҳақиқат, мамлакатимизда фуқаролик жамияти қуриш жараёни инсоният томонидан яратилган сиёсий қарашлардан, илк жамоалардан то ҳозирги давргача бўлган жамиятлар ривожланишнинг тажрибасидан кенг ва ўринли фойдаланиш асосида кечмоқда.

Фуқаролик жамиятининг тарихий концепциялари ҳамда амалий моделлари қуйидаги анъаналарга бориб тақаладиган ғоя ва тажрибалар асосида яратилган. Улардан бирининг илдизи Европа-Ўрта Ер денгизи анъаналари, Ренесанс даври Италия шаҳар-республикаларида фуқаролик жамияти илк унсурлари шакллана бошлаган даврга, бориб тақалади. Бу анъана Н.Макиавелли ижодида яхши акс этган. У фуқароларнинг тинчлиги ва хавфсизлиги, мулки ва бойлигидан ҳузурланиш, ўз эътиқодига эга бўлиш ва уни ҳимоялаш ҳуқуқи сингари фуқаролик жамиятининг муҳим қадриятларини баён этган.

Либерал инглиз-америка анъаналари ҳам фуқаролик жамияти тарихий концепцияси яратилишининг яна бир муҳим манбаси ҳисобланади. Бу хусусий мулкка эгалик ҳуқуқини ҳимоя этган Ж.Локк, замонавийлашув ва ўз-ўзини бошқаришни фуқаролик жамиятининг зарур таркибий қисмлари сифатида кўрсатган А.Смит, фуқаролик жамиятининг давлат билан муносабатлари намунасини яратган Д.С.Милл таълимотларида ўз ифодасини топган.

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. – Т.Маънавият, 2008 й., 14 бет

Фуқаролик жамиятининг яна бир тарихий илдизи немис маданияти доирасида шаклланган континентал Европа анъаналари билан боғлиқ. Эркин фуқаро пайдо бўлишига кўп жиҳатдан ўз аъзолари манфаатларини ҳимоя қиладиган ва шаҳар бошқарувига таъсир кўрсата оладиган ўрта аср ҳунармандчилик цехлари катта аҳамият касб этди. Мазкур анъананинг назарий концепцияси Гегель томонидан ишлаб чиқилди.

Шу ўринда цехлар нима, улар қандай вазифани бажарган деган табиий савол туғилади. Цехлар – ҳамкасбларни йирик ер эгаларининг ҳамласидан сақлаб қолиш ва маҳсулот ишлаб чиқариш, уни сотишда ягона устунликни ўз қўлида сақлаб қолиш мақсадида, маълум касб бўйича шаҳар ҳунармандларининг бирлашмаси. Ўрта аср цехлари маълум бир ижтимоий иерархияга: уста, уста ёрдамчиси-халфа ва шогирдларга эга бўларди. Фақат устагина цехнинг тўла ҳуқуқли аъзоси ҳисобланган.

Ўрта аср ҳунармандчилик цехларининг келиб чиқиши иккинчи йирик ижтимоий меҳнат тақсимооти – ҳунармандчиликнинг деҳқончиликдан ажралиб чиқиши билан боғлиқ. Алоҳида соҳага ажралиб чиққан ҳунармандлар ўрта аср шаҳарларини пайдо бўлишига асос бўладилар ва ана шу шаҳарларда ўз цехларини тузадилар. Цехлар Италияда IX-X асрларда, Франция, Германия ва Англияда XI-XII асрлардан бошлаб пайдо бўла бошлайди.¹

Кўпчилик Ғарбий Европа мамлакатларида цехларининг энг тараққиёт чўққисига етган даври XIII-XV асрларга тўғри келади. Бу даврда Ўрта аср ҳунармандчилик цехлари Ғарбий Европа шаҳарларида жуда кенг тарқалди. Масалан, XIV асрда биргина Париж шаҳрида 300дан ортиқ ҳунармандчилик цехлари бўлиб, бу цехларда 5,5 мингдан ортиқ ҳунармандлар бирлашган эди.² Цехларнинг фаолияти низом асосида ташкил этилиб, низомда усталар, халфаларнинг иш вақти, хом ашё сифати, ишлаб чиқариш технологияси, тайёр буюмларнинг сифати ва миқдори, маҳсулотни сотиш жойлари ва шартлари ҳамда ҳар бир устанинг

¹ Ўрта асрлар тарихидан изоҳли луғат. Т., “Ўқитувчи”- 1979 й., 130 бет

² История средних веков. Том-I М.Гос.изд.Политической литературы, 1952 г., стр. 271

ўз устахонасида ишлатиши мумкин бўлган уста ёрдамчилари ва станокларнинг сони кўрсатиб қўйилган бўлар эди.

Цехларнинг фаолияти фақат бу билангина чекланиб қолай, балки хунармандларнинг шахсий, оилавий ва ижтимоий ҳаётини ҳам қамраб олиб, хунармандларнинг ўзига хос ўзини-ўзи бошқарувчи органи вазифасини ҳам бажарар эди.

Хунармандчилик цехлари ўзаро ёрдам ташкилоти вазифасини ҳам бажарган. Цехга аъзо бўлаётган ҳар бир хунарманд кириш бадали тўлар ва аъзо бўлгандан сўнг аъзолик бадали тўлаб борар эди. Тўпланган пулдан кам таъминланган цех аъзоларига моддий ёрдам кўрсатилар, вафот этган цех аъзоларининг дафн маросимлари ўтказилар эди.¹

Цехларнинг сайлаб қўйиладиган бошлиғи бўлар эди ва у одатда магистр деб юритилган. Цех аъзоларининг устав талабларига риоя қилишларини кузатиб борадиган назоратчилар фаолият кўрсатар эди. Цех аъзолари ўзларининг умумий йиғилишига тўпланиб, цех ҳаётидаги энг муҳим масаларни муҳокама қилиб борган.

Умуман олганда, цехлар хунармандларнинг ҳуқуқий ва иқтисодий мавқеларини ҳимоя қилган ва мустаҳкамлаган, XII-XV асрларда Ғарбий Европа мамлакатларининг иқтисодий тараққиётида ижобий таъсир кўрсатган. Аммо XVI-XVIII асрларга келиб, яъни капиталистик муносабатларнинг шаклланиши билан, цехлардаги регламентация тартиби тараққиётга ғов бўлган ва цехлар ўз мавқеини йўқотган.

Шуни фахр билан таъкидлаш лозимки, ўтмишда мамлакатимиз ҳудудида ҳам Ғарбий Европа хунармандчилик цехларига ўхшаш бошқарув тизими ҳукм сурган.

Юртимиз хунармандларининг бошқарув тартиби – бобо, оқсоқол, уста, халфа ва шогирддан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бири ўзига тегишли вазифани бажарган. Бобо хунармандчилик уюшмасининг раҳбари ҳисобланиб, унинг вазифаси “Рисола (устав)да кўрсатилган тартиб-қоидаларга усталарнинг сўзсиз риоя қилишларини таъминлаш, усталарнинг сифатли маҳсулот тайёрлашларини назорат этиш, уюшма аъзоларининг барча

¹ История средних веков. Том-I М.Гос.изд.Политической литературы, 1952 г., стр. 272

маъракаларига етакчилик қилиш, усталар ўртасида келиб чиқадиган келишмовчиликларни “Рисола”да кўрсатилган тартибда бартараф этиш, шогирднинг усталик даражасига эришганлиги учун ўтказиладиган “Бел боғлаш” маросимига бошчилик қилиш, бошқа шаҳарлардан кўчиб келган усталарни уюшмага қабул қилиш, шаҳар ҳокимияти вакиллари билан турли масалалардан музокаралар олиб бориш, харидор ва ҳунармандлар ўртасидаги келишмовчиликларнинг қозилик судларида кўрилишида қатнашиш кабилардан иборат бўлган. Бобо бу хизматлари учун ҳеч қандай ҳақ олмаган. Бобо ўз дўкони, халфа ва шогирдларига эга бўлиб, бошқа усталар сингари ўз меҳнати эвазига кун кечирган.¹

Оқсоқол бободан кейинги ўринда турувчи уюшма раҳбари бўлиб, у бажарадиган вазифалар бобоникига қараганда кенг қамровли бўлган. Оқсоқол ҳам усталарнинг барча оилавий маърака – маросимларида иштирок этиб, уюшма аъзолари турмушининг иқтисодий-маиший томонлари билан шуғулланган. Ҳунармандлар орасида келиб чиқадиган турли келишмовчиликларни бартараф этган, уста, халфа ва шогирдлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солиб турган. Туркистон ўлкасида ўтказилган ҳунармандчилик маҳсулотлари кўрғазмасида, турли байрамларда усталарнинг ўз маҳсулотлари билан қатнашишларини уюштирган. Шогирднинг “Бел боғлаш” маросимини ўтказишни ташкил этган. Оқсоқол ҳам бобо сингари ушбу хизматлари учун ҳеч қандай ҳақ олмаган. Ўз навбатида, у ҳам ўз дўкони, халфа, шогирдларига эга бўлиб, хунари орқасидан кун кечирган.²

Шаҳарларда муайян соҳаларда фаолият юритадиган ҳунармандлар ўз маҳалларини ташкил этганлар, кўп ҳолларда, айрим маҳаллаларда асосан бир касб-кор одамлар-ҳамкасблар истиқомат қилган ва маҳаллалар шунга қараб номланган. Масалан, Самарқанд шаҳрида Кулолон, Заргарон, Чармгари, Шарбатдор, Сўзангарон, Тўқумдўзи, Галаосиё каби маҳаллаларда турли касб эгалари озиқ-овқат, ширинликлар, оила ва рўзғор

¹ Қиличев Р. Туркистонда ҳунармандларнинг ўзини-ўзи бошқарув тартиби// Жамият ва бошқарув, 2004 й, 3-сон. 39-бет.

² Ўша жойда.

буюмлари, улов анжомлари, дурадгорлик асбоблари, истеъмол учун хом ашё маҳсулотларини етиштириб, харидорлар ва мижозларнинг кундалик эҳтиёжларини қондирганлар.¹ Бундай маҳаллалар юртимизнинг барча шаҳарларида бўлган ва мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида катта рол ўйнаган. Чор Россияси ва Шўролар ҳокимиятининг мустамлакачилик сиёсати оқибатида улар секин-асталик билан жамиятдаги ўз мавқеларини йўқотган.

Шундай қилиб, ўрта аср хунармандчилик цехлари ўзини-ўзи бошқариш органлари сифатида фуқаролик жамияти тўғрисидаги тарихий концепцияларнинг шаклланиши ва ривожланишига ўзининг катта таъсирини кўрсатган ва ҳозирда мамлакатимизда фуқаролик жамияти қуриш ишига хизмат қилмоқда.

1.5. БУХОРО ЯХУДИЙЛАРИ МАҲАЛЛАЛАРИ

Ўтмишда касб корига қараб ташкил топган маҳаллалардан ташқари уруғи, элати ва миллатига қараб шаклланган айрим маҳаллалар ҳам мавжуд бўлган. Бухоро яхудийлари маҳаллалари фикримизнингисботи бўла олади.

Тарихий маълумотларга қараганда, Ўрта Осиё ҳудудларига биринчи яхудийлар Вавилионнинг форс подшоси Кир томонидан истило қилинишидан (э.ав. 539-йил) кейин келиб ўрнаша бошлаган. Ўрта Осиёда яшаган яхудийлар ҳақидаги илк маълумотлар эрамизнинг VIII-IX асрларига таълуқлидир. Илк Ислом манбаларида Ўрта Осиёда яшаган яхудийлар тилга олинади. Яхудийлар Ўрта Осиёда Ислом динини қабул қилмаган ягона халқдир. Мабуломотларга кўра, IX-XII асрларда Балх, Хоразм ва Самарқанд шаҳарларда яшаган яхудий жамоалари гуллаб яшнаган.

XVI асргача Эрон, Ўрта Осиё ва Афғонистон яхудийлари битта жамоа бўлиб яшаганлар. Ўзаро келишмовчиликлар натижасида улар иккига-Эрон ҳамда Ўрта Осиё ва Афғонистон яхудийлари жамоаларига бўлиниб кетадилар.

¹ Самибоев Х., Ширинбоев Ш. Самарқанд маҳаллаларининг номланиш тарихидан, // Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. 2003 й. 3-сон. 52-бет

XVIII аср ўрталарига келиб, Бухоро амирлиги билан Афғон подшоҳлиги ўртасидаги муносабатларнинг ёмонлашуви бу ҳудудларда яшовчи яхудийларнинг алоқалари узилишига сабаб бўлади ва шу вақтдан бошлаб Ўрта Осиёда яшовчи яхудийлар “Бухоро яхудийлари” номи билан юритила бошланди.

Бухородаги дастлабки яхудий жамоалари ҳақидаги маълумотлар VIII асрга таълуқлидир. XVI асрга келиб Бухоро Ўрта Осиёдаги яхудийларнинг марказига айланди ва дастлабки яхудий маҳалласи – кўҳна (эски) маҳалла ташкил топди. Язхудийларга ушбу маҳалла ҳудудидан ташқарида яшаш таъқиқланган эди. XVII асрнинг биринчи чорагида ушбу маҳалла ҳудудида, ҳозиргача ягона бўлган, Синагога қурилади.¹

XIX аср бошларида Бухорода яхудийларнинг яна бир маҳалласи “Маҳаллаи нав”- Янги маҳалла ташкил топади. XIX аср ўрталарида келиб эса яхудийлар яшаши учун Бухорода яна бир ҳудуд – Амиробод ажратилади. Шундай қилиб, Бухорода учта яхудий маҳалласи – Эски маҳалла, Янги маҳалла ва Амиробод (Амир томонидан асос солинган) маҳаллалари ташкил топади. XIX аср 60-йилларида бундай маҳаллалар Самарқанд, Қарши, Марв, Хатирчи, Катта кўрғон, Кармана, Марғилон, Душанбе каби шаҳарларда ҳам фаолият кўрсатар эди.

XVIII аср ўрталарида ва XIX аср бошларида Бухоро яхудийларини оммавий равишда мажбурий Ислом динига киритиш учун уринишлар бошланди. Ушбу сиёсат оқибатида Бухоро яхудийларининг “чала” деб аталадиган жамоаси шаклланган. Улар расмий равишда Ислом динига сиғинсаларда, аслида яширин равишда Иудизм амалларини бажарганлар.² Бухоро яхудийлари мусулмонлардан ажралиб турувчи кийим кийиб юришлари лозим бўлган. Уларнинг 13 ёшга тўлган эркаклари алоҳида солиқ тўлашга мажбур эдилар. Ананага мувофиқ солиқ терувчи мусулмон киши солиқ тўлаган яхудийни икки марта шалпиллатиб кўяр эди. Бухоро яхудийларининг асосий машғулотлари тўқмачиликдан иборат бўлган. Улар шохи, қалғай ишлаб чиқарганлар, савдо билан шуғулланганлар. Оёқ кийимларини таъмирлаш, сартарошлик яхудийларнинг сеvimли

¹ Происхождение Еврейской общины. WWW/Cem 40 ru

² История евреев. Нtp hronos/ Km/ru

касбларидан бўлган. Европача эркаклар кийим бошини тикишни ҳам Ўрта Осиёда биринчи бўлиб улар бошлаб берганлар.

Бухоро яхудийлари махаллалари бошида сайлаб қўйиладиган дунёвий бошлиқ – калонтар (каттароқ ёки катта) турган. Унинг вазифасига савдо, ижтимоий ҳаётдаги муаммолар, маиший кичик жиноий ишларни кўриб, хал қилиш кирган. Шунингдек, у расмий ҳукумат олдида яхудийлар вакили ҳисобланган.

Чоризмнинг мустамлакачилик сиёсати бошланиб, Туркистон генерал-губернаторлиги тузилгач, бу ҳудудларда яшовчи Бухоро яхудийлари ушбу генерал-губернаторлиги таркибига кириб қолди. Бу ҳудуддаги яхудий махалларига махалла жамоаси томонидан сайланиб, чоризмнинг идоралари томонидан тасдиқланадиган раввин лавозими жорий этилган. Бу ҳолат яхудий махаллаларнинг мус тақиллигига путур етказиб унинг Чор Россияси ҳукуматига қарамлигини тавъминлаган. Бухоро амирлиги ҳудида яшовчи яхудийларга эса савдогарлар гилдиясига аъзо бўлиш шарти билан Россия фуқаролигини олиш имкониятини берилган.

Шўро ҳокимияти йилларида эса барча махаллалар каби Бухоро яхудийлари махаллалари ҳам ўзининг мохиятини йўқотиб, турли диний маросим ва маракаларни уюштирувчи қўшнилари уюшмаси сифатида сақланиб қолди. Бухоро яхудийларининг кўпчилиги ўзларининг тарихий ватанларига ва АҚШ га кўчиб кетишлари муносабати билан ҳозирда соф яхудий махаллалари сақланиб қолмаган.

II. МУСТАҚИЛЛИК ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ТОМОН ЙЎЛ ТУТИЛИШИ

II.1. И.А.КАРИМОВНИНГ МИЛЛИЙ-МАЪНАВИЙ ТИКЛАНИШ КОНЦЕПЦИЯСИ ВА УНИНГ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ҚУРИШДАГИ АҲАМИЯТИ

**“Маънавият инсонга она сути, ота намунаси,
аждодлар ўғити билан бирга сингади.”¹**

И.А.Каримов

Ҳозирги даврда Ўзбекистонда ўзини ўзи бошқариш органлари – маҳалла, овул, қишлоқ, шаҳарча фуқаролар йиғинлари тизимининг ўзини ўзи бошқаришга доир ваколатлари икки йўналишини назарда тутди: **Биринчи йўналиш-** маънавий соҳадаги вазифалар бўлиб уларга халқнинг бир неча минг йиллик тарихидаги ноёб, халқчил анъаналарни, қадриятларни қайтадан тиклаш ва ривожлантиришдан иборатдир. **Иккинчи йўналиш-** сиёсий вазифа бўлиб, ўзини ўзи бошқариш институтларини ҳозирги давр талабларига мувофиқ тарзда қайтадан тиклаш билан бирга, вилоят, шаҳар, туман ҳокимлик ваколатларининг бир қисмини ўзини ўзи бошқариш органларига беришдир. Ушбу ҳолатни инобатга олиб, мамлакатимиз биринчи Президенти И.А.Каримов мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб миллий маънавий тикланиш концепциясини илгари сурди ва уни изчиллик билан амалга оширди.

Маънавият инсон ва жамият ҳаётида жуда катта аҳамиятга эга бўлиб, унга мамлакатимиз биринчи Президенти И.А.Каримов ўзининг “Юксак маънавият-енгилмас куч” асарида қуйидагича таъриф беради: “Маънавият – инсонни рухан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир.”²

¹ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Тошкент, Ўзбекистон, 1992 й., 71 бет

² Каримов И.А. Юксак маънавият энгилмас куч. Тошкент, Маънавият, 2008 й., 19 бет

Маънавият, жамият маънавий ҳаёти, мустақиллик йилларида халқимиз маънавиятини қайта тиклаш ва юксалтириш ҳақида сўз кетганда миллий-маънавий тикланиш нима деган табиий савол пайдо бўлади ва бу саволга қуйидагича жавоб бериш мумкин. Миллий тикланиш у ёки бу миллат ҳаётида содир этиладиган, зўравонлик йўли билан унинг авлод аждодлари томонидан яратилган мерос, урф-одатлар, анъаналар, қадриятлардан маҳрум этилган, тарихий хотираси топталган миллий ўзлигини англаши чекланган, манфаатлари, мақсадлари, ҳуқуқлари паймол этилган, тарихий тараққиётнинг маълум босқичига келиб эса ўз мустақиллигини қўлга киритиш натижасида миллий ривожланиш борасида ана шу бой берилган имкониятлардан фойдаланиш, яратилган барча моддий ва маънавий бойликларни миллий ривожланишга йўналтиришга қаратилган умуммиллий фаолият ҳисобланади.

Дарҳақиқат, чоризимнинг мустамлакачилик сиёсати, кейинчалик шўролар ҳокимияти йўлларида халқимиз миллий қадриятлари оёқ ости қилинди, маънавияти топталди. Хусусан, шўро ҳокимияти ҳуқумронлиги йўлларида жамиятимизда тоталитар тузум манфаатини ҳимоя қиладиган яккаю ягона коммунистик мафкура ҳукмронлик қилди. Шўро мафкурасининг салбий таъсири натижасида халқимизнинг урф-одати, маданияти, анъаналари оёқ ости қилинди, ижтимоий адолат мезонлари бузилди. "...Собиқ тузум даврида республикамизнинг иқтисодиёти бир томонлама ривожланган, фақат хомашё етиштиришга йўналтирилган бўлиб, машъум салбий оқибатгаларга олиб келган пахта яккаҳокимлиги авжига чиққан эди. Ўзбекистон ўзининг қолақ ишлаб чиқариш ва социал инфратузилмаси билан собиқ иттифоқда жон бошига истеъмол даражаси энг паст ўринда турарди".¹ Юртимиз марказнинг мустамлакасига айланиб, халқимиз ўзини-ўзи бошқариш ҳуқуқидан, виждон ва фикр эркинликларидан маҳрум бўлди. Айниқса, ўтган асрнинг 80-йиллари охирларида халқимизнинг бошига қандай азоб-уқубатлар ёғдирилганини унутиб бўлмайди. Шу боис, И.А.Каримов 1989 йил

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2010 й. 5-бет

24 июнь ва 1989 йил 19 августдаги маърузаларида биз бундай эскича яшай олмаслигимизни, топширилган ҳар бир вазифага нисбатан муносабат, дунёқараш ва маъсулиятни ўзгартириш, мамлакат кескин ва қийин даврни бошидан кечираётган пайтда жамиятни янгилаш учун курашаётган барча кучларни бирлаштириш, республикадаги вазиятни соғломлаштиришнинг аниқ ва пухта дастурини ишлаб чиқиш, ижтмоий-сиёсий барқарорликни таъминлаш зарурлигини алоҳида таъкидлаган эди. “Узоққа бормасдан, – деган эди мамлакатимиз биринчи Президенти И.А.Каримов,- халқимиз ўз бошидан кечирган мустамлака даврини бир кўз олдимизга келтирайлик. Қарийб 150 йил давом этган, тарихимизнинг том маънодаги қора кунлари бўлмиш ўша замонда бир пайтлар ўзининг қудратни давлатчилиги, буюк фарзандлари, юксак илму маданияти, обод шаҳар ва қишлоқлари билан дунёни ҳайратга қолдирган эл-юртимиз қандай оғир машаққатларга дучор бўлганини яхши биламиз. Лекин ана шундай дахшатан даврда ҳам ҳар қандай зулм ва истибдодга қарамасдан, халқимиз ўзини, ўзлигини йўқотмади. Тилини ва динини, иймон-эътиқодини сақлаб қолди.”¹

Мустақиллигимизнинг дастлабки кунларида Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод сифатида мамлакатимиз фуқароларига қилган мурожатида “Ишни республика маънавий бойлигини тиклаш ва камол топтиришдан бошлағомиз керак”² деб таъкидлаган ҳамда “халқимизнинг ҳақиқий маънавий бойликлари бўлмиш имон, инсоф, меҳр-оқибат, андиша, ор-номус, каттага ҳурмат, кичикка иззат, меҳмондўстлик, юртга ва халққа садоқат каби фазилатларни асраб-авайлаб, фарзандларимизнинг қон-қонига сингдирайлик, жамиятимизнинг кундалик ҳаётига доимо устувор қилайлик”³ деб даъват қилган эди.

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.Каримов Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритганидан кейин республикада демократик давлат ва фуқаролик жамиятни

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. Тошкент, Маънавият, 2008 й., 25-26 бет

² Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиши остонасида. Тошкент, Ўзбекистон, 2015 й.,415 бет

³ Ўша жойда 416-бет

қуришнинг назарий концепциясини ишлаб чиқар экан, иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ҳаётни қайта қуришни миллий-маънавий тикланиш билан уйғун ҳолатда бўлиши кераклигини ҳам илмий асослаб берди.

Унинг 1992 йилда ёзган «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» асари Ўзбекистонда янги жамият қуришнинг илмий асосланган дастури ҳисобланади. Унда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг маънавий соҳасидаги стратегик вазифалари ҳам ўз аксини топган.

Ислом Каримов ушбу асарида мустақил Ўзбекистонни ривожлантиришнинг маънавий-ахлоқий негизларини белгилаб берар экан, «Ўзбекистонни янгилаш ва ривожлантиришнинг ўз йўли тўртта асосий негизга асосланади»-деб кўрсатади ва қуйидагиларни белгилаб беради:

-умуминсоний қадриятларга содиқлик;

-халқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;

-инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиши;

-ватанпарварлик.¹

Асарда ана шу негизларнинг моҳияти ҳам очиқ берилган. Муаллиф халқимизнинг маънавий илдизлари чуқур эканлигини алоҳида таъкидлайди, уларни қайта тиклаш ва янги мазмун билан бойитиш зарурлигини стратегик вазифа сифатида белгилайди.

“Мустақил Ўзбекистоннинг куч-қудрати манбаи, - дейди биринчи Президентимиз И.А.Каримов, - халқимизнинг умуминсоний қадриятларига содиқлигидир. Халқимиз адолат, тенглик, аҳил қўшничилик ва инсонпарварликнинг нозик куртакларини асрлар оша авайлаб-асраб келмоқда. Ўзбекистонни янгилашнинг олий мақсади ана шу анъаналарни қайта тиклаш, уларга янги мазмун бағишлаш, заминимизга тинчлик ва демократия, фаровонлик, маданият, виждон эркинлиги ва ҳар бир кишини камол топтиришга эришиш учун зарур шарт-шароит яратишдир.”²

Шунингдек, китобда инсонпарварлик, меҳмондўстлик, инсоният билан ҳам фикр бўлиб яшаш каби умуминсоний ғоялар

¹ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Тошкент, Ўзбекистон, 1992 й., 65- бет.

² Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Тошкент, Ўзбекистон, 1992 й., 65-66 бет.

атрофлича тахлил қилиниб, уларнинг умуминсоний тамойилларга содиқликни таъминлашдаги ахамият кўрсатиб берилди. Жумладан:

- умуминсоний қадриятлардан бири инсонпарварлик ўзбек халқи миллий рухиятининг ажралмас фазилати эканлиги асослаб берилган;

- инсон ҳуқуқлари ва демократия сингари умумбашарий қадриятлар республикамизнинг миллий-давлатчилик манфаатларига, халқимизнинг ўзига хослигига, унинг анъаналарига тўла мос келиши кўрсатилган;

- инсоннинг энг устувор ва муқаддас ҳуқуқларидан бири – тинч яшаш ҳуқуқи мамлакатимизда барча қонуний воситалар билан қафолатланиши давлат ва жамиятни демократлашнинг энг муҳим шарти эканлиги асослаб берилган;

- яшаш муҳити, табиат ва маънавий экологияси бир-биридан ажралмас бўлиб, ўзининг саломатлиги ҳақида ғамхўрлик қилиб бориш маданиятини ёшлиқдан, оила, мактаб, маҳалла, соғлиқни сақлаш тизими жисмоний тарбия ва спортнинг кўмагида сингдириб борилиши уқтирилган.

Мамлакатимиз биринчи Президенти китобда умуминсоний қадриятларга содиқлик масаласига яқун ясаб, қуйидаги фикрларни илгари суради: “Мустақил давлатда, тинчлик ва осойишталикда, ғоявий чалкашликлар ва “темир парда” дан халос бўлиб, биз умумбашарий қадриятларнинг энг биринчи асоси бўлган халқ инсонпарварлиги чашмаларидан қадам-бақадам бахраманд бўлмоқдамиз. Айни шу ҳол тараққиёт йўлидан дадил боришимиз ва бутун Инсоният билан биргалигимизнинг энг мустаҳкам қафолатидир”¹

Мамлакатимиз биринчи Президенти И.А.Каримов халқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш тўғрисида фикр юритар экан “халқнинг маънавий руҳини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш – Ўзбекистонда давлат ва жамиятнинг энг муҳим вазифасидир”² деб таъкидлайди ҳамда бу йўналишдаги вазифаларни қуйидагича белгилайди:

- маънавийтни мустаҳкамлаш учун меҳнат ва маблағни аямаслик;

¹ Ўша жойда 70-бет

² Ўша жойда

- миллий маданиятнинг ўзига хослигини тиклашга алоҳида эътироф берилиши, миллий ўз-ўзини англашнинг тикланиши жаҳон инсонпарварлик маданияти ва умумбашарий қадриятлари идеалларидан ажралиб қолиши мумкин эмаслиги;

- таълим ва мутахассислар тайёрлаш ишида халқимизнинг доимий фазилати бўлган ҳақиқатни билиш йўлидаги саботни фан, техника, технология, бошқарув ва информатикада эришилган жаҳон ютуқларини ўзлаштиришга йўналтириш лозимлиги.

Инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиши тўғрисида фикр юритиб, “инсоннинг ўзи ва ўз оиласининг бахт-саодати йўлида меҳнат қилишга шахсан тайёр эканлиги унинг ички имкониятини ташкил этади”¹ деб таъкидлайди биринчи Президентимиз И.А.Каримов ҳамда халқимиз имкониятларини эркин намоён қилиш омиллари қуйидагилардан иборат эканлигини кўрсатиб берди:

- республикада жаҳон фани ва техникаси, фалсафа ва ҳуқуқ ютуқларини эгаллаб олган кишилар жамиятнинг энг ташаббускор негизини ташкил этади, бутун халққа ижобий таъсир кўрсатади, унинг ўз кучига ишонч бахш этади;

- ўтказилаётган ислохотлар республика фуқароларининг меҳнатсеварлиги, ишбилармонлиги ва фидоийлигини намоён этишда уларга янги имкониятлар очиб беради;

- кишиларимизга хос бўлган пухталиқ, мулохазалилик билан ҳаётий муаммоларни ҳал этиш, дастлаб янгини қуриш, уни амалда синаб кўриш, сўнгра эскини барбод қилмасдан янгини қўллаш лозимлигини уқтиради

Китобда ватанпарварлик ҳақида фикр юритиб, биринчи Президентимиз И.А.Каримов “Ўзбекистон фуқаросининг ватанпарварлиги – бу қайта ўзгаришлар йўлини кўрсатувчи, кўзланган мақсаддан четга чиқмайдиган йўлчи юлдуз, ишончли компасдир”² деб таъкидлайди ҳамда ватанпарварлик сифатларини шакллантирувчи ва ривожлантирувчи омилларни таҳлил қилиб беради. Булар:

- Ўзбекистонга, унинг ери, табиатига, бу ерда яшаётган халқларга мухаббат, ўлканинг тарихи, маданияти, анъаналарини

¹ Ўша жойда 74-бет

² Ўша жойда 76-бет

теран билиб олишга интилиш, республикамизнинг қудрати ва ютуқларидан фахрланиш, халқимиз қисматига тушган қийинчиликлар учун қайғуриш;

- Ўзбекистон халқларининг шон-шарафи, ғурури, тарихий хотираси ва интилишларини ўзида мужассамлаштирган давлатимиз рамзларини (байроқ, тамға, мадҳия) эъзозлаш;

- ўз оиласи, насл-насаби билан фахрланиш, энг аввало, оилавий анъаналарни авайлаб сақлаш ва бойитиш, ота-боболарнинг муборак номларига доғ тушурмасликка интилиш, ўз меҳнати, билимлари билан насл-насаб обрўсини мустаҳкамлаш, одамларнинг ҳурмат эҳтиромга сазовор бўлиш;

- ўз оиласининг, авлод-аждодларининг номус-ориға чуқур эҳтиром, инсоннинг шахсий виждонига, бурчга ва ўз сўзига содиқлик;

- сеvimли халқнинг шон-шарафи, кадр-қиммати, маданияти ва анъаналарига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш;

- ўз халқига, унинг анъаналарига тили ва маданиятига мухаббат ва ҳурмат билан қараш.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида мамлакатимиз биринчи Президенти И.А.Каримов томонидан ишлаб чиқилган халқимиз миллий-маънавиятини тиклаш концепцияси кейинги йилларда ривожлантириб борилди. Хусусан, биринчи Президентимизнинг “Юксак маънавият-енгилмас куч” асарларида одамзод учун ҳамма замонларда ҳам энг буюк бойлик бўлган маънавиятнинг маъно-мазмуни, унинг инсон ва жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти, бу мураккаб ва серқирра тушунчанинг назарий ва амалий томонлари ҳар томонлама кенг қамровли фикр ва мулоҳазалар орқали таҳлил этилган. Айни пайтда истиқлол йилларида юртимизда миллий маънавиятимизни тиклаш, уни замин талаблари асосида ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган улкан ишлар, бу борада олдимизда турган мақсад ва вазифалар ҳақида атрофлича фикр юритилган.

Бугунги мураккаб глобаллашув даврида маънавият соҳасида вужудга келаётган долзарб муаммолар, халқимиз маънавиятини асраш ва юксалтириш, айниқса ёш авлоднинг қалби ва онгини турли зарарли ғоя ва мафкуралар таъсиридан сақлаш ва ҳимоя қилиш масалалари янада долзарб бўлиб бормоқда. “Айниқса, -деб

таъкидлайди биринчи Президентимиз И.А.Каримов,- ҳозирги мураккаб ва тахлиқали замонда миллий ўзлигимиз, азалий кадриятларимизга ёт ва бегона бўлган турли хил хуружлар, ёшларимизнинг онги ва қалбини эгаллашга қаратилган ғаразли интилишлар тобора кучайиб бораётгани барчамизни янада хушёр ва огоҳ бўлишга даъват этиши табиийдир.

Шу сабабли ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи тамойилларини қарор топтириш, уларни гиёҳвандлик, ахлоқсизлик, четдан кириб келаётган ҳар хил зарарли таъсирлардан, “оммавий маданият” ниқоби остидаги таҳдид ва хатарлардан асраш масалалари бир зум ҳам эътиборимиздан четда қолмаслиги даркор”.¹

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, биринчи Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган ва мустақилликнинг кейинги йилларида янада такоминлаштирилган миллий-маънавий тикланишнинг илмий-назарий концепцияси умуминсонийлик ва миллийликни ўзида мужассамлаштирган бўлиб, фуқаролик жамиятини шакллантириш ва янада такоминлаштириш ишига хизмат қилмоқда.

II.2. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИ И.А.КАРИМОВНИНГ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ҚУРИШ КОНЦЕПЦИЯСИ

“Бизнинг бош стратегик мақсадимиз қатъий ва ўзгармас бўлиб, бозор иқтисодиётига асосланган эркин демократик давлат барпо этиш, фуқаролик жамиятининг мустақкам пойдеворини шакллантиришдан иборатдир”.²

И.А.Каримов

Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги кўлга киритилган дастлабки кунларидаёқ мамлакатимиз биринчи Президенти

¹ Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида ҳизмат қилиш энг олий саодатдир. Тошкент, Ўзбекистон, 2015 й., 267-268 бет

² И.А.Каримов. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-провард мақсадимиз . Т.8-Т.: Ўзбекистон, 2000, 331 бет.

И.А.Каримов куйидаги мақсадни илгари сурди: “Республикада собит қадалиқ билан халқчил адолатли жамиятни бунёд этиш – бош вазифамиздир... Янгиланган жамиятнинг сиёсий ва давлат тузлиши инсонга унинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий турмуш тарзини эркин танлаб олишини кафолатлаши керак.”¹

Халқимиз тарихи, дунёқараши, маънавияти, миллий манфаатлари ва миллий анъаналарини чуқур англаган мамлакатимиз биринчи Президенти И.А.Каримов Ўзбекистон халқининг манфаатлари ва орзу-истакларидан келиб чиқиб, фуқаролик жамияти ва демократик принципларни ўзида мужассам этган сиёсий тизимни ташкил этишга қодир бўлган Конституция қабул қилишга бошчилик қилди. Қабул қилинган янги Конституция ва бошқа фуқаролик жамиятини шакллантириш учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилди.

Мамлакатимиз биринчи Президенти И.А.Каримов ташаббуси билан 1991-йилнинг 15 февralида Ўзбекистон Олий Кенгаши томонидан қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги қонун Фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш учун ҳуқуқий имкониятлар яратиб берди. Мазкур қонун Республикада фаолият юритиб келаётган жамоат бирлашмалари фаолиятини тубдан ислох қилишга, уларни собиқ якка хоким мафқурасидан покланишига, шунингдек, жамоат бирлашмалари тизилмаларини давлат ва ҳукумат тизимидан ажратишга ҳуқуқий шарт шароитлар яратиб берди. Қонунда жамоат ташкилотларини тузишдан мақсад нима эканлиги таърифлаб берилди: “Жамоат бирлашмалари фуқароларнинг, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқ ҳамда эркинликиларни рўёбга чиқариш ва ҳимоя қилиш, фуқароларнинг фаоллиги ва ташаббускорлигини, давлат ва жамоат ишларини бошқаришда уларнинг иштирок этишини ривожлантириш... ” мақсадида тузилади.²

¹ И.А.Каримов. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли// Ўзбекистон: Миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т1-Т.Ўзбекистон, 1996 йил 44-45 бетлар

² Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги Қонуни //Ўзбекистон Республикаси қонунлари 4-сон. Т.:Адолат 1993 йил 155-бет

Ушбу қонуннинг ахамияти шундаки, қонунда жамоат бирлашмаларининг мустақиллиги, уларининг давлат ва ҳукуматдан алоҳида фаолият кўрстиши, мансабдор шахсларнинг жамоат бирлашмалари фаолиятига аралашмаслиги ва ўз навбатида жамоат бирлашмаларининг давлат идоралари ва мансабдор шахсларнинг фаолиятига аралашувига йўл қўйилмаслиги ҳуқуқий жихатдан кафолатланди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида Республикамиз биринчи Президенти И.А.Каримов томонидан бутун дунё “Ўзбек модели” деб эътироф этган машҳур беш тамойилнинг ишлаб чиқилиши ва шу тамойилларнинг ҳаётга тадбиқ этилиши ҳам мамлақатимизда фуқаролик жамиятини қуриш самарадорлигини оширишга хизмат қилди.

Биринчи Президентимиз И.А.Каримов 1998 йили “Тафаккур” журнали бош муҳаррири билан бўлган суҳбатда “Кучли давлатдан-кўчли жамият сари” ғоясини кўтарди. Бу суҳбатда биз фуқаролик жамияти қуришни мақсад қилиб қўйганлиги, бу соҳада дастлабки қадамлар қўйилганлиги таъкидланиб, кучли давлат функциялари ва аломатлари аста-секинлик билан кучли жамият зиммасига ўтказилиши асосланган эди.

Республикамиз биринчи Президенти И.А.Каримов Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини барпо этишга доир назарий қарашлари унинг “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” номли асарида ўз тақомилига етганлигини кўриш мумкин. Бу асарда янги жамият қуриш муаммолари “шахс-жамият-давлат” ўзаро уйғунлиги асосида таҳлил этилади. Асарда фуқаролик жамиятини инсон эркинлиги ва ҳуқуқларининг энг асосий ҳимоячиси эканлигига ҳам катта эътибор қаратилади, фуқаролик жамиятининг янги қирралари очиб берилади: “Биз учун фуқаролик жамияти – ижтимоий макон. Бу маконда қонун устувор бўлиб, у инсоннинг ўз ўзини камол топтиришга монейлик қилмайди, аксинча ёрдам беради. Шахс манфаатлари, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўла даражада рўёбга чиқишига кўмаклашади. Айни вақтда, бошқа одамларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари камситилишига йўл қўйилмайди. Яъни, эркинлик ва қонунга бўйсуниб бир вақтнинг ўзида амал қилади, бир бирини тўлдиради ва бир бирини тақазо этади. Бошқача айтганда, давлатнинг қонунлари инсон ва фуқаро

ҳуқуқларини камситмаслиги лозим. Шунинг баробарида барча одамлар қонунларга сўзсиз риоя қилишлари шарт.”¹

Асарда фуқаролик жамиятининг давлат органлари, фуқароларнинг мансабдор шахслар устидан назорат ўрнатишлари, уларнинг фуқаролар олдидаги масъулиятини ошириш масалаларига муҳим эътибор қаратилди. Айниқса, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги уларнинг давлат органлари фаолиятдан хабардорлиги, сиёсий жараёнлардаги иштироки фуқаролик жамиятининг энг муҳим белгиларидан эканлиги каби қоидалар илгари сурилган.

2002 йил 29 августда Олий мажлиснинг 9-сессиясида Президентимиз И.А.Каримов “Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари” га бағишланган маърузасида ҳам “Кучли давлатдан кучли жамият сари” тамойилини амалда ҳаётга жорий этиш зарурлигини уқтириш билан бирган **“Адолат –қонун устуворлигида”** деган тамойилни изоҳлаб берди. Бунда ҳаётимизни эркинлаштириш, яъни марказий ва юқори давлат бошқарув идоралари вазибаларини давлат ҳокимиятининг қўйи тузилмаларига, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўтказиш боришни таъминлаш зарур деган эди. Ҳақиқатдан ҳам икки палатали парламентимизнинг шакллантирилиши билан бирга ҳокимият органларининг айрим функциялари қўйи фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига ўтказилаётганлиги унинг яққол ифодасидир.

Давлат ва жамият қурилиши, сиёсий ҳаётини эркинлаштириш ҳокимият органларининг айрим функцияларини қўйи ҳокимият органларига босқичма-босқич ўтказиш бу фуқаролик жамиятининг муҳим элементларидан бири эканлиги мамлакатимиз биринчи Президенти И.Каримов 2005 йил 28 январда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати қўшма йиғилишида “Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир” маърузасида чуқур

¹ И.А.Каримов “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари”// Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлидаТ.6-Т.:Ўзбекистон 1998 йил 151-бет

таҳлил қилиб берди. Бунда: 1) Президент ваколатларининг бир қисмини Сенатга ва ҳукуматга ўтказиш Қонунчилик палатасини шакллантириб, унинг ҳуқуқларини кенгайтириш; 2) Бош вазир, мамлакат ҳукуматининг ролини, масъулиятини кучайтириш; 3) суд ҳокимиятини мустаҳкамлаш ва эркинлигини таъминлаш вазибаларини баён этди.

Мамлакатимизда давлат ҳокимиятини эркинлаштиришда икки палатали парламент барпо этишдан мақсад: 1) парламент ўз ваколатларини самарали амалга ошириш; 2) Қонунчилик палатаси ўз фаолиятини доимий профессионал тарзда олиб бориш; 3) Сенат асосан маҳаллий Кенгашлар, ҳудудларнинг вакилларидан иборат бўлишини таъминлаш; 4) аҳолининг мамлакат ижтимоий ва сиёсий ҳаётидаги иштирокини кенгайтиришдан иборат эканлиги асослаб берилди.

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти Ислон Каримовнинг 2010 йил 12 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мавзусида сўзлаган маърузасида фуқаролик жамияти қуриш концепцияси янада такоминлаштирилди.

Маърузанинг бешинчи устувор йўналиши **“Фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш”** деб аталади. Унда фуқаролик институтлари, нодавлат ноижорат ташкилотлари, жумладан, ўзини ўзи бошқариш тизимининг юртимизга хос муҳим ва ноёб бўғини бўлмиш маҳалла институти фаолиятини қонуний асосга қўйиш борасидаги саъй-ҳаракатлар, уларнинг амалий натижалари таҳлил этилди. Юртбошимиз мамлакатимизнинг бошқарувида фуқаролик жамияти институтлари роли ва таъсирини ошириш, бунинг учун эса уларнинг ҳуқуқ ва ваколатлари доирасини янада кенгайтириш мақсадида қатор янги қонунлар яратиш, амалдаги қонун ҳужжатларига муҳим ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш зарурлигини аниқ таклифлар асосида кўрсатиб берди.

Ушбу концепцияда сиёсий партияларда ҳукуматни шакллантириш соҳасида муҳим давлат аҳамиятига эга бўлган қарор қабул қилиш ваколати бериш таклифи илгари сурилди: “Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди Ўзбекистон

Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайловларда энг кўп депутатлик ўрнини олган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги депутатлик ўринларини қўлга киритган бир неча сиёсий партиялар томонидан таклиф этилади”.¹ Ана шу таклиф асосида қабул қилинган қонунларга таяниб фаолият юритаётган сиёсий партиялар сайловчилар иродасини ифодачиси сифатида намоён бўлиб, ҳукуматни шакллантиришда энг асосий сиёсий институт сифатидаги мақомга эга бўлмоқда. Бу ҳолат фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлатнинг муҳим белгаларидан бири бўлиб, партиялар воситасида шаклланган ҳукумат халқ иродаси асосида шакллангани учун ҳам у халқчил сиёсат олиб боришга интилади.

Умуман олганда, мамлакатимиз биринчи Президенти И.А.Каримов томонидан яратилган “ Кучли давлатдан- кучли фуқаролик жамият сари ” концепцияси мамлакатимизда демократик жараёнларни кучайтириб, юртимиз тинчлиги, ҳалқимиз фаровонлигига хизмат қилмоқда.

II.3.ЎЗБЕКИСТОНДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ

Фуқаролик жамиятининг институтлари-Нодавлат нотижорат ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, сиёсий партиялардан ташкил топади.

Нодавлат нотижорат ташкилотлар дастлаб жамиятни ўзини ўзи бошқариши ва уни мустақил ижтимоий бирлик сифатида яшашини таъминлаш эҳтиёжлари ва манфаатлари асосида пайдо бўлди. XX аср ўрталарига келиб эса нодавлат ва нотижорат ташкилотлар демократик жамиятнинг муҳим ва асосий институтларидан бирига айланди.

Мустақиллик, барқарорлик, аҳолининг турли ижтимоий гуруҳлари ва кенг қатламлари манфаатларини ифодалайдиган фуқаролик институтлари, сиёсий партиялар, нодавлат нотижорат ташкилотлар, эркин оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик

¹ И.А.Каримов “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” Т.Ўзбекистон, 2010 йил, 12-бет

жамияти бошқа институтлари тизимини ривожлантирмасдан туриб кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш мумкин эмас.

Ривожланган қонунчилик, норматив-ҳуқуқий база нодавлат нотижорат ташкилотларнинг эркин ривожланишини таъминлайди. “Жамоачилик фондлари тўғрисида”, “Жамоачилик бирлашмалари тўғрисида”, “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилиш сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”, “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари, ҳукумат қарорлари қабул қилинган.

“Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолияти кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни мустақил нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жимиятининг бошқа институтлари мустаҳкамланиши ва ривожланишининг муҳим омили бўлди. Ушбу қонун нодавлат нотижорат ташкилотларнинг кўп қиррали фаолиятини ҳуқуқий, иқтисодий, ташкилий-техник қўллаб-қувватлаш, нодавлат нотижорат ташкилотлари билан давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари ўртасидаги ижтимоий шерикчиликни ривожлантиришнинг яхлит тизимини белгилаб берди. Қонунда, жумладан, қуйидаги масалалар тартибга солинган.

- нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолияти кафолатларини бериш (фаолият эркинлиги, ахборотлардан фойдаланиш, мулкчилик ҳуқуқи); уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилинишини таъминлаш (амалий нуфуз, интеллектуал фаолият натижаларини давлат органларининг ноқонуний қарорларидан, уларнинг мансабдор шахсларининг ҳаракатидан ва хоказоларидан ҳимоя қилиш);

- нодавлат нотижорат ташкилотларининг қўллаб қувватлаш (давлат субсидиялари, грантлар бериш ва давлат ижтимоий буюртмаларини нодавлат нотижорат ташкилотлари орасида жойлаштириш);

Мамлакатимизда демократик янгиланиш ва модернизация қилиш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар натижасида бугунги кунда Ўзбекистонда нодавлат нотижорат ташкилотлар, ўз фаолиятини муваффақиятли равишда амалга оширмакда. Улар “Камолот”, ёшлар ижтимоий ҳаракати, Хотин-қизлар кўмитаси,

Фермер хўжаликлари уюшмаси, Савдо-саноат палатаси, “Маҳалла”, “Нуроний” жамғармалари, “Ўзбекистон маданияти ва санъати” форуми, “Сен ёлғиз эмассан”, “Меҳр нури”, “Соғлом авлод учун” сингари йирик нодавлат нотижорат ташкилотлари бор.

Ўзбекистондаги барча нодавлат ва жамоат ташкилот ва бирлашмаларини 8 гуруҳга бўлиш мумкин: 1) **Аҳоли муайян йирик тоифаларининг ижтимоий манфаатларини кўзлаб** ишлашга ихтисослашган ҳукуматга қарашли бўлмаган умумий миллий ташкилотлар («Маҳалла» жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, ЎЗР хотин қизлар кўмитаси, Ногиронлар уюшмаси, Нуроний жамғармаси). 2) **Иқтисослашган миллий ва халқаро жамғармалар** («Экосан», «Соғлом авлод учун», «Умид» жамғармаси, «Олтин меърос» жамғармаси ва ҳ. к.). 3) **Ҳукуматга қарашли бўлмаган ҳуқуқни ҳимоя қилувчи ташкилотлар** (инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи кўмита, Ҳуқуқий ҳимоя кўрсатиш жамияти ва ҳ.к.). 4) **Ижодкор зиёларнинг миллий жамоат ташкилотлари** (ёзувчилар, рассомлар, адвокатлар, ва ҳ.к.). 5) **Миллий маданият марказлари** (қозоқ миллий маданияти ва ҳ.к.). 6) **Умуммиллий хайрия жамиятлари, жамғармалари** (Болалар жамғармаси, Республика талабалар жамғармаси, ёшларни қўллаш фонди ва ҳ.к.). 7) **Ижтимоий аҳамиятга ва ижодий изланишлар билан боғлиқ маҳалий бирлашмалар** (Сайёхлик ва бадиий ҳавоскорлик клублари, Ногирон болалар ота-оналар бирлашмалари). 8) **Жамоат муассасалари** (Халқаро қизил ярим ой ташкилоти, «Эл» халқаро уюшмаси ва ҳоказо).

Бугунги кунда фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан барча нодавлат нотижорат ташкилотларининг 40 фоизи, аёллар ва ёшлар муаммоларини ҳал этиш билан 14,2 фоизи, соғлиқни сақлаш, таълим, экология соҳасида фаолиятни амалга ошириш билан 13,6 фоизи, бошқа ижтимоий аҳамиятли вазифаларни ҳал этиш билан 12 фоизи шуғулланмоқда.¹

2005 йилда умуммиллий Фуқаролик форуми ўтказилиши фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришда муҳим

¹ Шодмонов А. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг ривожланиши. Тошкент. “Ўзбекистон”. 2011. –Б.24.

воқеа бўлди. Форум яқунлари бўйича Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий уюшмаси ташкил этилди.

Мамлакатимиз фуқароларининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш Миллий уюшма фаолиятининг муҳим йўналиши ҳисобланади. Уюшма, аввало, давлат томонидан камроқ қўллаб-қувватланган-ночор, айти вақтда фуқароларнинг ташаббуси билан ташкил этилган энг фаол ва ҳуқуқий лаёқатли нодавлат нотижорат ташкилотларининг манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилишга даъват этилган.

Уюшма Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг муассиси бўлди. Молиявий маблағларни жамлаш ва ижтимоий аҳамиятли лойиҳаларни амалга оширишда мамлакатимизнинг ҳуқуматга қарашли бўлмаган ташкилотлари иштирокини раҳбатлантириш, амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларда уларнинг иштирок кўламини ошириш жамғарманинг мақсади ҳисобланади.

Мустақилликнинг илк давридан бошлаб мамлакатимиз биринчи Президенти И.А.Каримов маҳаллаларни фуқаролик жамиятининг асоси деб билди ва уларни ҳар томонлама ривожлантириш чора-тадбирларини амалга оширди. Президент И.А.Каримов 1995 йилдаёқ шундай фикрни билдирган эди: “Маълумки, асрлар мобайнида маҳаллаларда кўпдан-кўп ҳаётий муаммолар ўз ечимини топиб келади. Тўй-маъракалар ҳам, ҳайиту ҳашарлар ҳам маҳалла аҳлисиз ўтмайди. Маҳаллаларда сиёсий, иқтисодий ва бошқа масалаларга доир жамоатчилик фикри шаклланади. Бу эса халқимизнинг турмуш тарзи, ота-боболаримиздан бизга мерос бўлиб келаётган тафаккур тарзидир. Бинобарин, ҳаётнинг ўзи маҳаллаларни ривожлантириш ва уларни қўллаб-қувватлашни тақозо этмоқда. Мамлакатимизда кўп қиррали ислоҳотлар амалга ошаётган бир пайтда маҳалла жамият учун ишончли таянч ва таъсирчан куч бўлиб хизмат қилиши лозим”.¹

Мустақиллик йилларида маҳалла тарихий ва ривожланган мамлакатлардаги тушунчада аниқ белгиланган ижтимоий-демографик, маданий-маънавий ва ҳудудий-маъмурий бирлик сифатидаги мақомга эришди. У ўз ҳудудидаги фуқаролар

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. Т. Ўзбекистон, 1995 й.-Б75

ўртасида анъаналар ва урф-одатлар, инсоний, хўжалик, ҳуқуқий муносабатлар бирлигини ташкил этгани ҳолда фуқароларнинг ўзаро ижтимоий муносабатларини боғлаб туриш воситасига айланди.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқол) ва унинг маслаҳатчилари сайлови туғрисида”ги (2004 йил 29 апрелда) қонун қабул қилинди. Бу қонун “Оқсоқол”лар кенгашига катта имтиёзлар яратди.

Ҳуқуқий давлат қуриш йўлида мамлакатимизда амалга оширилаётган “Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари” тамойилининг шаклланиш манбалари қадимдан мавжуд бўлган маҳалла институтига бориб тақалади. Мамлакатимиз янгилаш ва модернизация қилиш бўйича ислохотларни янада чуқурлаштириш ва ижтимоий- иқтисодий муаммоларни ҳал этишда бу институтнинг ўрни ва аҳамияти янада ортиб бормоқда.

Маҳалла ўзини ўзи бошқаришнинг бир кўриниши сифатида, авваламбор, ҳокимиятнинг марказлашувини рад этиб, ҳокимият субъекти ва объекти ўртасидаги муносабатлар услубини тубдан ўзгартиради ва бу орқали маҳалла аҳли ўртасида ноёб бирлаштириувчи роль ўйнайди.

Маҳалланинг асосий тамойиллари этиб қуйидагилар тан олинган: демократик ёндашув, ошкоралик, ижтимоий адолат, инсонпарварлик, маҳаллий ижтимоий аҳамиятга молик масалаларни ҳал этишдаги мустақиллик ва жамоанинг бирдамлиги, ўзаро ёрдам. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда ўзини ўзи бошқариш тамойили ўзининг миллийлиги билан ажралиб туриб, маҳалла институти тизими орқали аҳоли турмушига чуқур сингиб кетган. Маҳалла тинчлик ва хотиржамлик, ўзаро ҳурмат ва эътибор, дўстлик ва жипслик, ҳалқнинг фаровонлиги ҳукмронлик қилган гўшани ўзида намоён этади.

1992 йилда Юртбошимиз ташаббуси билан Республика “Маҳалла” ҳайрия жамғармасининг таъсис этилиши мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, ижтимоий- иқтисодий ҳаётида маҳалланинг беқиёс аҳамияти тан олинганлигига мисол бўла олади. Ўтган давр мобайнида жамғарма томонидан аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ўзбек халқининг маънавий-ахлоқий меросининг қайта тикланишига, жамиятни ислоҳ қилишга фуқароларни кенг жалб қилиш бўйича сезиларли ишлар амалга оширилади.

“Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилиниши билан маҳалланинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланиб, унинг жамиятимиздаги ўрни ва аҳамияти янада ошди.

Маҳалланинг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи сифатидаги фаолиятини тартибга солувчи аниқ ҳуқуқий негизининг яратилиши билан унинг мақоми янада мустаҳкамланди, маҳалланинг жамиятни ислоҳ қилишдаги ўрнига алоҳида урғу берилди. Маҳалла фуқаролар йиғинлари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири- унинг қонунлар ижроси устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишидир, шу йўл билан маҳалла фуқароларининг ҳуқуқий маданияти оширилишида ҳам ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Маҳаллалар бугунги кунда 30 дан зиёд функцияни бажармоқда. Ушбу функциялар илгари маҳаллий ҳокимият органлари вазифасига кирар эди. Жумладан, турли ижтимоий- иқтисодий масалалар, хусусан, ҳудудларни ободонлаштириш, кичик корхоналар ва касаначилик ташкил этиш йўли билан аҳоли, айниқса, ёшлар орасида бандлик муаммосини ҳал этиш, атрофдаги ҳудуддан оқилна фойдаланиш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, жамоатчилик назорати вазифаларини амалга ошириш масалалари айнан маҳаллада ҳал этилмоқда.

Қонунга мувофиқ фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари- маҳаллалар ўз фаолиятида мустақилдирлар. Бу қоида давлат органларининг айрим ваколатларини босқичма-босқич фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ўтказиб бориш концепциясига мувофиқ бўлиб, “Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари” тамойилига тўлиқ мос келади.

Бугунги кунда Ўзбекистонда 10124 та фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари (маҳаллалар) фаолият кўрсатиб келади, улар таркибида 9373 таси маҳаллалардаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, 1335 таси қишлоқлардаги ва 154 таси овулларнинг фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ҳисобланади.¹ Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тизимида (қишлоқ, кўрғон, овул ва маҳалла) фуқаролар йиғинлари кенгашларининг аппаратлари мавжуд. Йиғинларда 7800 та ишчи гуруҳлар фаолият юритади, улар маҳалла ҳаёти

¹ Адҳам Шодмонов “Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг ривожланиши” Тошкент- “Ўзбекистон”-2011 55 бет.

учун муҳим ва маҳаллий аҳамиятга молик бўлган масалаларни ҳал этиш бўйича кенг камровли ишларни, шу жумладан, маънавий ва маданий меросини тарғиб қилиш ишларини амалга оширмоқдалар. Уларнинг таркибига олимлар, санъат арбоблари, педагоглар, журналистлар киради. Ундан ташқари, ҳар бир маҳаллада ёшлар билан ишлаш бўйича комиссиялар ташкил этилган, унинг вазифалари доирасига ишга жойлаштириш, жинойтчиликнинг олдини олиш, болалар спортни ривожлантириш, маҳаллада яшовчи ўсмирларнинг бўш вақтини банд этиш масалалари киради. Маҳаллаларда алоҳида эътибор вояга етмаганларнинг, айниқса, ижтимоий ҳимояланмаган оилаларнинг турмуш тарзига қаратилган. Маҳалла ўз фаолиятини ташкил этишда кўпроқ шу маҳаллада яшовчи аҳолининг жамоат фаоллигига таянади.

Фуқаролик жамиятининг яна бир институти сиёсий партиялардир. Партия лотинча сўздан олинган бўлиб қисм ёки гуруҳ деган маъноларни англатади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 60-моддаси сиёсий партияларнинг ҳуқуқий мақоми қуйидагича белгиланган: “Сиёсий партиялар турли табақа ва гуруҳларнинг сиёсий иродасини ифодалайдилар ва ўзларининг демократик йўл билан сайлаб қўйилган вакиллари орқали давлат ҳокимиятини тузишда иштирок этадилар.”¹

Мустақиллик йилларида ривожланган мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқиб, Ўзбекистонда ҳам сиёсий партияларнинг фуқаролик жамияти институти сифатидаги ҳуқуқий мақоми шаклланди. 1991 йил 14 февралда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги қонун мамлакатда кўп партиявийлик тизимини шаклланишининг ҳуқуқий жихатларини таъминлаб бериши натижасида мамлакатда янги сиёсий партияларнинг шаклланиш жараёнлари бошланди.

1996 йил 26 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 7-сессиясида «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги қонун қабул қилинди (унгача сиёсий партиялар фаолияти 1991 йил 15 ноябрда қабул қилинган «ЎЗР да жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги қонун мавжуд эди). Янги қонун 17 моддадан

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Тошкент, “Ўзбекистон” нашриёти 2014 йил, 20-бет

иборат. Бунда Президентлик ваколатларини бажариш даврида сиёсий партияга аъзо бўлмаслиги айтилган. Янги қонунда қуйидагилар сиёсий партияларга аъзо бўлмайди: судьялар, прокурорлар ва прокуратура терговчилари, ички ишлар органлари, милиция хавфсизлиги хизмати ходимлари, харбий хизматчилар, хорижий далаат фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар. Сиёсий партия тузиш камида 8 та ҳудудий субъект (вилоят), шу жумладан Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳрида яшаётган ҳамда партияга бирлашиш истагида бўлган камида 5 минг фуқаронинг имзоси бўлиши талаб этилади. (олдин 5 та вилоятдан 3 минг имзо тўпласа бўлди эди). Сиёсий партия тузиш ташаббускорлари камида 50 кишидан иборат бўлиб, партия таъсис ҳужжатларини тайёрлаши, таъсис сьезди ё конференциясини чақиритиш бўйича ташкилий қўмита тузишлари лозим. Ташкилий қўмита тузилган кундан бошлаб, 7 кун ичида адлия вазирлигига қўмита ҳақида, раҳбарияти ҳақида хабардор қилиши лозим. Ташкилий қўмита 3 ой фаолият кўрсатиш мумкин. Сьезд ёки конференция чақиритиш лозим. Бунда партия Устави ва дастури қабул қилиниши айтилган. Устав қабул қилинганч бир ой ичида. ЎзР Адлия вазирлигига хабардор қилиши керак. Адлия вазирлиги ҳужжатларни 2 ой ичида кўриб чиқади. Рўйхатдан ўтса оммавий ахборат орқали эълон қилинади. Сиёсий партия хар йили барчанинг эътибори учун ўз бюджетларини эълон қилиб боради. Бу ҳақида Олий Мажлис ё ваколат берувчи органга ҳисобат тақдим этади..

2004 йил 30 апрелда ЎзР Олий Мажлиси 14-сессиясида «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги қонунни қабул қилди. Барча демократик давлатларда бўлганидек, бизда ҳам партияларнинг ўзаро кураши ғоя ва қарашларнинг рақобати, сайловчилар овози учун кураш бўлиши шарт. Эндиликда бу ҳаракатларни амалга оширишда давлатнинг ўзи молиявий жиҳатдан таъминлаши қонунан ҳал этилди. Бу масала сиёсий касб этади. Бу қонун ўзида партиялар моддий манбаларни аниқ кўрсатади. Партиянинг молиявий фаолияти барчанинг кўзи олдида очиклигини, маблағлари қайси йўллар орқали келаётганини кўрсатади. Шу билан молиявий ҳуқуқ бузарлик учун юридик жавобгарликни келтириб чиқаради.

Ҳозирги кунда жаҳонда партияларнинг молиявий манбалари 3 гуруҳга бўлинади; партияларнинг ўз маблағлари, юридик ва

жисмоний шахсларнинг ҳайрия эҳсон ва ихтиёрлари бадаллари ҳамда давлат томонидан молиялаштиришдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 16 мартдаги 86-сонли қарори билан тасдиқланган «Сиёсий партияларнинг уставда назарда тутилган фаолиятини давлат томонидан молиялаштириш тартиби тўғрисида»ги Низом ва бошқа шу соҳада қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан сиёсий партиялар фаолияти тартибга солинади.

Ўзбекистонда сиёсий партияларнинг давлат ҳокимиятини шакллантиришдаги ролини оширишда 2008 йил 1 январдан бошлаб жорий этилган Ўзбекистон Республикасининг «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонуни муҳим аҳамият касб этади. Мазкур Қонуннинг 4-моддасига биноан «Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг мансабдор шахслари сайланганидан ва органлари шакллантирилганидан кейин бир ой ичида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракцияларининг ҳар бири ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан сайланган депутатлар билан маслаҳатлашувлар ўтказилгандан сўнг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати тасдиқлаши учун киритилади»,¹ деган демократик қонуннинг киритилиши парламентда партия фракцияларига муҳим давлат аҳамиятига эга бўлган қарорлар чиқариш ҳуқуқини бериш даврининг бошланганини англатади.

Шу билан бирга, Қонуннинг 6-моддаси «Вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими номзодлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларидаги партия гуруҳларининг ҳар бири билан маслаҳатлашувлар ўтказилгандан сўнг тегишли халқ депутатлари Кенгашларига тасдиқлаш учун тақдим этилади», деган ҳуқуқий

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь. -Тошкент: Ўзбекистон, 2010. -Б. 12.

қоида ҳам маҳаллий партия ташкилотларини давлат ҳокимиятини шакллантиришдаги ўрнини кескин равишда оширди. Шунингдек, мазкур Қонуннинг 7-моддасига биноан халқ депутатлари вилоятлар, Тошкент шаҳар Кенгашларининг партия гуруҳларига вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими лавозимига тасдиқланган шахсларнинг қониқарсиз фаолияти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига асосли хулосалар тақдим этиш ташаббуси ҳуқуқи берилди. Шу билан бирга, агар бу хулосалар етакчи партия гуруҳлари томонидан қўллаб-қувватланса, у ҳолда мамлакат Президенти уни халқ депутатлари Кенгаши муҳокамасига киритиши ва муҳокама натижаларига мувофиқ қарор қабул қилиши каби муҳим демократик қоидалар ҳам белгиланди.

Президент И.А.Каримов томонидан ишлаб чиқилган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да сиёсий партияларга ҳукуматни шакллантириш соҳасида муҳим давлат аҳамиятига эга булган қарор қабул қилиш ваколати бериш таклифи илгари сурилди: «Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайловларда энг кўп депутатлик ўрнини олган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги депутатлик ўринларини қўлга киритган бир неча сиёсий партиялар томонидан таклиф этилади».¹

Ҳозирги даврда Ўзбекистонда сиёсий партиялар сайловчилар (халқ) иродасини ифодачиси сифатида намоён бўлиб, ҳукуматни шакллантиришда энг асосий сиёсий институт сифатидаги мақомга эга бўлмоқда.

Концепция ғояларини амалга ошириш ҳозирги даврдаги ислохотларни янада чуқурлаштиришнинг «Кучли давлатдан - кучли фуқаролик жамияти сари» тамойили асосида сиёсий партияларни жамиятдаги турли ижтимоий гуруҳлар ва қатламлар манфаатлари ифодачиси ва ҳимоячиси сифатида фаолият юритиши учун шарт- шароитлар яратади.

¹Ўзбекистон Республикасининг “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги Конституциявий Қонуни//Ўзбекистонда сиёсий партиялар.-Тошкент: Минтақавий сиёсат жамғармаси, 2007. —Б.244-245.

ХУЛОСА

Мустақиллик шарофати билан мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат, одил фуқаролик жамияти қуриш томон йўл тутдик. Бу йўл қуйидаги маънавий-ҳуқуқий негезларга таянади:

- умуминсоний қадриятларга содиқлик;
- халқимизнинг миллий маънавий қадриятларини

тиклаш ва ривожлантириш.

Биз ушбу рисоланинг биринчи бобида таҳлил қилишга уринган қадриятларимизнинг барчаси мамлакатимизда фуқаролик жамияти белгиларининг қадим-қадимдан шаклланганлигидан далолат беради. Шуниси муҳимки, уларнинг аксарияти ҳозирда ҳам долзарб бўлиб, мамлакатимизда фуқаролик жамияти қуриш ишига ҳизмат қилмоқда.

Худди ана шу жиҳатларни инобатга олган мамлакатимиз биринчи Президенти И.А.Каримов мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ миллий-маънавий тикланиш концепциясини яратдики, бу концепция юртимизда фуқаролик жамияти шаклланиши ва ривожланишининг маънавий асосларини таъминлади.

Мамлакатимиз биринчи Президенти И.А.Каримов томонидан фуқаролик жамияти қуриш концепцияси ҳам ишлаб чиқилиб, йиллар давомида такомиллаштириб борилди. “Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари” деб номланган ушбу концепция ўз навбатида мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтлари шаклланиши ва ривожланишининг асосий йўналишларини белгилаб берди.

Мухтасар қилиб айтганда, мустақиллик Ўзбекистонга катта имкониятлар ва демократик ҳуқуқий давлат қуришнинг кенг истиқболларини очиб берди. Мамлакатимизда амалга оширилаётган «кучли давлатдан - кучли фуқаролик жамияти сари» тамойилига асосланган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислохотлар ҳаётнинг барча соҳаларини демократлаштиришни янада янги поғоналарга кўтаради. Фуқаролик жамияти институтлари фаолияти жамиятда юз бераётган чуқур демократик қайта ўзгартиришлардан далолат беради. Фуқаролик жамияти институтлари жамиятнинг демократик янгилиниши ва модернизация қилинишида фаол қатнашмоқда. Бу аҳолининг

сиёсий маданиятини, ҳуқуқий онгини оширишнинг, демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти асослари шакллантирилиши жараёнларини чуқурлаштиришнинг асоси ҳисобланади.

Мундарижа

Кириш	3
I. Фуқаролик жамиятининг тарихий илдизлари	5
I. 1. Фуқаролик жамияти миллий қадрият сифатида.....	5
I. 2. Махалла – ўзини-ўзи бошқаришнинг миллий модели сифатида	16
I.3. Қишлоқ ва овулларда ўзини-ўзи бошқариш тарихидан	24
I.4. Ҳунармандчилик цехлари фуқаролик жамиятининг тарихий концепцияси сифатида.....	28
II. Мустақиллик ва фуқаролик жамияти томон йўл тутилиши	35
II.1. И.А.Каримовнинг миллий-маънавий тикланиш концепцияси ва унинг фуқаролик жамияти қуришдаги аҳамияти	35
II.2. Ўзбекистон Республикаси биринчи президенти И.А.Каримовнинг фуқаролик жамияти қуриш концепцияси....	42
II.3. Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларининг шаклланиши ва ривожланиши	47
Хулоса.....	57

Раупов Сойиб Саидович

**ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ:
КЕЧА ВА БУГУН**

<i>MUHARRIR:</i>	<i>G'.Murodov</i>
<i>TEXNIK MUHARRIR:</i>	<i>G.Samiyeva</i>
<i>MUSAHHIH:</i>	<i>A. Qalandarov</i>
<i>SAHIFALOVCHI:</i>	<i>M.Ortiqova</i>

Nashriyot litsenziyasi AI № 178. 08.12.2010. Original – maketdan bosishga ruxsat etildi: 01.11.2016. Bichimi 60x84. Kegli 16 shponli. «Times New Roman» garn. Ofset bosma usulida bosildi. Ofset qog`ozi. Bosma tabog`i 3,7. Adadi 100. Buyurtma №11.

Buxoro Matbuot va axborot boshqarmasi
“Durdona” nashriyoti: Buxoro shahri, M.Iqbol ko`chasi, 11-uy
Bahosi kelishilgan narxda.

“Sadriddin Salim Buxoriy” MCHJ bosmaxonasida chop etildi.
Buxoro shahri, M.Iqbol ko`chasi, 11-uy. Tel.: 0(365) 221-26-45